

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01
РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМӢЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРИДДИНОВ ШОҲОБИДДИН БАБАЯРОВИЧ

**КОМИЛ ХОРАЗМӢЙ ДЕВОНӢ МАНБАЛАРИ
ГЕНЕАЛОГИЯСИ ВА МАТН ТАҢҚИДИ МУАММОСИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по
филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on
Philological Sciences**

Нуриддинов Шохобиддин Бабаярович

Комил Хоразмий девони манбалари генеалогияси ва матн танқиди муаммоси ... 5

Нуриддинов Шохобиддин Бабаярович

Генеалогия источников дивана Камиля Хорезми и проблема критики текста..... 31

Nuriddinov Shohobiddin Babayarovich

Genealogy of the sources of the divan of Kamil Khorezmi and the problem
of textual criticism..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 66

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01
РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМӢ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРИДДИНОВ ШОҲОБИДДИН БАБАЯРОВИЧ

**КОМИЛ ХОРАЗМИЙ ДЕВОНИ МАНБАЛАРИ
ГЕНЕАЛОГИЯСИ ВА МАТН ТАНҚИДИ МУАММОСИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** хузуридаги **Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Fil235** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Қарши давлат университети веб-саҳифасининг (www.qarshi.uz) ҳамда "Ziyonet" ахборот-таълим порталининг (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Жабборов Нурбой Абдулҳакимович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Сулаймонов Исроилжон Исомиддинович филология фанлари доктори, доцент Тўхлиев Бокижон филология фанлари доктори, профессор Ғайинов Дилшод Қадамбаевич филология фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтини

Диссертация химояси Қарши давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "23" сентябрь даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail; qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети Бош биноси, 102-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (120 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail; qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "10" сентябрь кунини тарқатилди (2022 йил "10" сентябрь даги 13 рақамли реестр баённомаси).



Н.Н.Шодмонов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
филол.ф.д., профессор

Г.Н.Тожиёва
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
филол.ф.д. (DSc)

Д.Тўраев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон матншунослиги ва адабий манбашунослиги соҳасида ижодкорлар поэтик меросини тадқиқ қилиш ҳамда аслиятга мувофиқ матнларини тиклаш катта аҳамиятга эга. Асрлар давомида турли жанр ва мавзуларда яратилган кўҳна адабий ёдгорликларни ўрганиш, улардан миллат маънавиятини юксалтириш ҳамда жамият тараққиёти йўлида фойдаланиш долзарб вазифалардандир. Муайян ижодкор адабий меросининг бирламчи манбаларини қиёсий-матний таҳлил қилиш, матн тарихи ва таҳрири муаммосини тадқиқ этиш мавжуд илмий хулосаларни бойитиши жиҳатидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Дунё матншунослигида адабий ёдгорликларнинг бирламчи манбаларини қиёсий таҳлил этиш, бадиий асар матни тарихи ва таҳрири муаммосини тадқиқ қилиш масаласи асосий илмий муаммолардандир. Айниқса, матн тарихи масаласи асар яратилишида ижодкор мақсад ва режаларидан тортиб, матннинг энг сўнгги вариантыга қадар юзага келган ўзгаришларни қамраб олгани билан долзарблик касб этади. Адабий мероси маълум қолиплар асосида ўрганилган ижодкорлар асарларининг матн таҳририни ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Дунё матншунослигида матн таҳрири муаммоси чуқур ўрганилгани ҳолда мамлакатимизда етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари матн тарихи ва таҳрири муаммосини муайян мезонлар асосида олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Истиклол даври матншунослигида XIX аср ва XX аср бошлари Хоразм адабий муҳитида яшаб ижод қилган ижодкорлар лирик мероси тадқиқи борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Кўплаб ижодкорларнинг лирик мероси, адабий асарлари матншунослик ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилинди ва нашрлари амалга оширилди. Бироқ бу давр адабиётида тадқиқотчиларини кутаётган мавзулар ва асарлар талайгина экани ҳам айни ҳақиқатдир. Бу орқали "...Аввало халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадлар кўзда тутилган"¹. Салмоқли адабий мероси билан ўзбек мумтоз шеърияти хазинасига муносиб ҳисса қўшган ана шундай ижодкорлардан бири Комил Хоразмий ҳаёти ва ижодий мероси шўро даврида ҳукмрон мафкура тақозоси билан холис ва тўлақонли тадқиқ этилмаганидек, истиқлол даврида ҳам монографик кўламда қайта ўрганилган эмас. Ваҳоланки, Комил Хоразмий лирик меросининг мамлакатимиз ва хориж фондларида мавжуд кўлёзма ва тошбосма манбалари, матбуот нашрлари ҳамда архив ҳужжатларини қиёсий-матний ўрганиш асосида шоир назмий асарларини матншунослик ва адабий манбашунослик эришган бугунги ютуқлар асосида қайта тадқиқ

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси / Халқ сўзи. – Тошкент, 2017, 4 август.

килиш зарурати мавжуд. Комилнинг катта ҳажмдаги лирик, диний-маърифий ва ижтимоий асарлари эътибордан четда қолиб келган. Мавжуд нашрлардан ўрин олган асарлари турли сабаблар билан ноўрин таҳрирларга учраган. Шунга кўра, шоир назмий асарларининг матн тарихи ва таҳрири масаласини ўрганишга катта эҳтиёж бор. Бу фикрлар ушбу диссертация мавзусининг долзарб экани тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2022 йил 10 февралдаги ПҚ-126-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Адабий манбашунослик ва матншуносликнинг назарий ва амалий тамойиллари асосида муаллиф ҳаёти ва адабий мероси манбаларининг қиёсий-матний тадқиқи муаммолари бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Istanbul Üniversitesi, Boğaziçi Üniversitesi (Туркия), Балх давлат университети (Афғонистон), University of Washington Press (АҚШ), Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Қозон давлат университети (Россия), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), Озарбайжон Миллий Фанлар академияси қўлёзмалар институти (Озарбайжон)да илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳон матншунослиги ва адабий манбашунослигида Комил Хоразмий адабий меросини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: шоир биографияси, асарларининг таркибий тузилиши ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилган, Комил Хоразмий асарлари Ўзбекистондаги нашрлари асосида таржима

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://bulletin-history.kaznu>; https://scribble.su/school_literature; <https://dic.academic.ru>; <https://www.istanbul.edu.tr/http://www.washington.edu/>; <http://www.uva.nl/en/home/>; <http://london.ac.uk/>; <http://www.uop.edu.pk/>; www.ivran.ruhttp://elm/az/http://elm/az/; <https://bigenc.ru/music/text/4181559>; Edward ALLWORTH. Uzbek literary politics. – London-Paris, 1964. – P. 29; A. Zeki Velidi Toğan. Bugünkü Türk ili: Turkistan ve yakın tarihi. – Istanbul, 1981. – S. 501; Janos Eckmann. Harezmi, kıpçak ve çağatay türkçesi üzerine araştırmalar. – Ankara, 1996. – B. 209; Philologiae turcicae fundamenta. Wiesbaden, Tomum secundum, 1965; Гинзбург С.Л. Музыкально-историческое наследие советского Узбекистана. Сборник. «Пути развития Узбекской музыки», – М.-Л, 1946. – С. 22. ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

килиниб, тўплам ҳолида нашр этилган (Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Россия), адабий манбалардаги матн тарихи ва талқинига муносабат масаласида янгича методологик ёндашувлар тизими белгиланган University of Amsterdam (Нидерландия), (Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти (Россия), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), Istanbul Üniversitesi (Туркия), мумтоз адабий манбаларга оид тадқиқотларнинг илмий-танқидий матн асосида фундаментал тадқиқот даражасига етиши асосланган (Istanbul Üniversitesi (Туркия). Шунингдек, хорижий илмий адабиётларда Комил Хоразмий ижодий фаолиятининг яна бир қирраси мусиқашунослик соҳасидаги хизматлари тўғрисида қимматли маълумотлар қайд қилинганини эътироф этиш мумкин.

Жаҳон матншунослиги ва адабий манбашунослигида мумтоз адабий манбаларни комплекс ўрганиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: матн танқиди масаласи, муайян асар матни тарихи ва матн таҳрири муаммоси; шоир ижодий лабораторияси; адабий асарнинг китобат тарихи; қўлёзма манбаларнинг қиёсий-матний таҳлили; муайян асарнинг илмий-танқидий матнини тузиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Матн тарихи ва танқиди муаммоси жаҳон ва ўзбек матншунослигида маълум даражада тадқиқ этилган. Ушбу илмий муаммонинг назарий ва амалий масалалари рус матншунослари Д.С.Лихачев³, Б.В.Томашевский⁴, С.А.Рейсер⁵ илмий ишларида, шунингдек, ўзбек олимлари П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймон, Ғ.Каримов, Ш.Сирожиддинов, Б.Тўхлиев, Н.Жабборов, А.Эркинов, Н.Шодмонов, Р.Зоҳидов, Қ.Пардаев тадқиқотларида ёритилган⁶.

Ўзбек адабиётшунослигида Комил Хоразмий ижодини ўрганиш унинг ҳаётлик чоғидан бошланган бўлса-да, шоир адабий мероси матн тарихи ва танқиди нуктаи назаридан тадқиқ этилмаган. Шоир ҳаёти ва ижодини ўрганиш унинг асарларини нашр эттириш ва оммалаштиришдан бошланган.

³ Лихачев Д.С. При участие А.А.Алексеева и А.Г.Боброва. Текстология на материале русской литературы X-XVII веков. – Санкт-Петербург, Изд-во «Алетейя», 2001. – С. 34-35.

⁴ Томашевский Б.В. Писатель и книга. Очерк текстологии. Изд. 2-е, – М., 1959. – С. 148.

⁵ Рейсер С.А. Основы текстологии. Изд. 2-е, – Ленинград, Изд-во «Просвещение», 1978. – С. 3-12.

⁶ Шамсиев П. Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” дostonининг илмий-критик тексти ва уни тузиш принциплари ҳақида: Фил.ф.н... дис. – Тошкент, 1952; Шамсиев П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари: Фил.ф.д...дис. – Тошкент, 1970; Сулаймон Ҳ. “Хазойин ул-маоний” текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари /Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. – Тошкент: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1959. – Б. 5-28; Каримов Ғ. Ўзбек классик адабиётининг баъзи назарий масалалари /Ғулом Каримов – маърифат фидойиси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – Б. 56-63; Сирожиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – Б. 7-9; Матншунослик сабоқлари. – Тошкент: Navoiy universiteti, 2019. – Б. 18; Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожиб ва туркий халқлар фольклори. – Тошкент: Баёз, 2014; Жабборов Н. Бадий матн таҳрирининг хос хусусиятлари / “Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари” мавзудаги илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2014. – Б. 28-32; Ўзбек матншунослигининг долзарб муаммолари / “Замонавий ўзбек адабиётшунослигининг янгиланиш тамойиллари” мавзудаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2016. – Б. 99-105; Матншуносликнинг айрим назарий масалалари / “Ўзбек матншунослигининг назарий ва амалий муаммолари” мавзудаги Республика илмий анжумани материаллари. – Қарши: Насаф, 2019. – Б. 3-7; Эркинов А. Матншуносликка кириш. – Тошкент, 1997; Алишер Навоий “Хамса”си талқини (XV-XX аср боши). – Тошкент: Tamaddun, 2018; Матншунослик ва манбашунослик асослари. – Тошкент: 2019; Шодмонов Н. “Шоҳиду-л-икбол” – адабий манба. – Тошкент: Muhattir, 2009. – Б. 22-26; Зоҳидов Р. “Саботул ожизин”. (Манбалар, шарҳлар, илмий-танқидий матн). – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – Б. 184-185. Пардаев Қ. Муқимий шеърятининг матн тарихи, таҳрири ва талқини. Филол. фан. доктори ... дисс. – Тошкент, 2020.

Жумладан, “Туркистон вилоятининг газети” (1891-1894 йилги сонлари)да шоирнинг лирик шеърлари чоп этилган. Шоир шеърлари “Девони Комил” номи билан 1880 ва 1895 йилларда Хивада икки марта⁷ ва 1910 йилда Тошкентда “Девони Мавлоно Комил маа таворихи шоҳони Хоразм”⁸ номи остида тошбосма усулида чоп этирилган. Шоир ижодини жиддий ўрганиш ўтган асрнинг 40-йилларида бошланди. Бу борада адабиётшунос М.Юнусовнинг “XIX аср шоири Комил Хоразмий ижодиёти” мавзуидаги номзодлик диссертацияси комилшуносликда алоҳида ўрин тутди. Бугунга қадар Комил Хоразмий ҳаёти ва ижодий мероси у ёки бу даражада тадқиқ этилган илмий мақолалар⁹, тўпламлар¹⁰ ҳамда монографиялар¹¹ яратилди. Шоир лирикасининг алоҳида нашрлари амалга оширилди¹².

Комил адабий меросининг турли жиҳатлари тўғрисида хориж адабиётшунослари тадқиқотларида ҳам атрофлича тўхталиб ўтилган. Шарқшунос олима Л.В.Дмитриева туркий тилда яратилган араб ёзувидаги кўлөзма асарлар тўғрисидаги тадқиқотида XIX аср Хоразм адабий муҳитида ижод қилган ўнлаб адабий сиймолар қаторида Комил Хоразмий тўғрисида ҳам тўхталиб ўтади¹³. Шунингдек, олима “Описание тюркских рукописей института востоковедения” номли асарида Россия Фанлар академияси Шарқ кўлөзмалари институти Санкт-Петербург бўлимидаги¹⁴ фондда шоир

⁷ Ҳазрат Дивон Камил ЎзР ФАШИ асосий фонди. Тошбосма. Инв.№9881; Инв.№8953.

⁸ Ҳазрат Дивон Камил меъ тоариҳи шаҳан хуарм ЎзР ФАШИ асосий фонди. Тошбосма. Инв.№237.

⁹ Юнусов М. Комил. // Шарқ юлдузи. – 1956. – №11. – Б. 89-102; Маждий Р. Комил Хоразмий. //Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – 1961. – №2. – Б. 23-27; Мўминова В. Комил Хоразмий – таржимон. //Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – 1962. – №1. – Б. 75-77; Каримов Ғ. Эзгу ниятлар куйчиси. // Шарқ юлдузи. – 1976. – №1. – Б. 218-223; Ҳайитметов А. Илғор ғоялар куйчиси //Совет Ўзбекистони. 1976 йил 8 июль; Эркинов С. Комил камолоти //Ўзбекистон маданияти. 1976 йил 20 август; Қаюмов А. Адиб ва арбоб //Ўзбекистон маданияти. 1976 йил 31 август; Қобилов Н. Тараққийпарвар шоир /Ўзбекистон маданияти. 1976 йил 27 август; Зоҳидов В. Баркамол адиб /Ўзбекистон маданияти. 1976 йил 3 сентябрь; Мўминова В. Таржимон. /Ўзбекистон маданияти. 1976 йил 3 сентябрь; Раҳматова Д., Мусамуҳамедова Ф. Жаҳолатга ёв бўлиб /Ўзбекистон маданияти. 1976 йил 3 сентябрь; Мусамуҳамедова Ф. Буюк салафлар издоши /Совет Ўзбекистони. 1976 йил 5 сентябрь; Ҳожиёва Р. Комил Хоразмий – хатот ва шоир // Адабий мерос. – 1978. – №11. – Б. 61-63; Абдуғафуров А. Комил Тошкентда //Ўзбек тили ва адабиёти. – 1983. – №1. – Б. 10-16; Аҳмедов А. Комил – зуллисонайн шоир // Адабий мерос. – 1983. – №2. – Б. 80-85; Ҳомидий Ҳ. Комил Хоразмийнинг Тошкент мадҳияси //Тошкент окшоми. 1983 йил 23-май; Хўжаева У. Муҳаммаднийёз Комил девонининг Тошкент нусхалари //Адабий мерос. – 1998. – №3-4. – Б. 43-45; Қобулов Ф. Комил ижодида сатира // Адабий мерос. – 1988. – №1. – Б. 59-63; Юсупов Ш. Комил ҳақида янги маълумот // Шарқ юлдузи. – 1988. – №7. – Б. 165-168; Қобулов Ф. Комил ҳақида яна бир янги маълумот // Адабий мерос. – 1991. – №2. – Б. 61-63.

¹⁰ Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. Икки томлик. II том. Тузувчи О.Шарафуддинов. – Тошкент: Ўздавнашр, 1945. – Б.411-416; Ўзбек шеърини антологияси. Беш томлик. III том. Тузувчилар: О.Шарафуддинов, А.Қаюмов, Р.Маждий. – Тошкент: Ўздавнашр, 1961. – Б. 265-278; Ўзбек поэзиясининг антологияси. – Тошкент: Ўздавнашр, 1948. – Б. 190-191; Ўзбек адабиёти. Тўплам. Тўрт томлик. III том. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1959. – Б. 782-800.

¹¹ Юнусов М. Комил Хоразмий. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1960; Каримов Ғ. Комил Хоразмий / Ўзбек адабиёти тарихи. 3-китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1966. – Б. 227-256; Ҳайитметов А. Муҳаммаднийёз Комил / Ўзбек адабиёти тарихи. V томлик. Бешинчи том. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 65-96; Айёмий (Юнус Юсупов). Комил Хоразмий / Ўт чақнаган сатрлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 87-113.

¹² Маждий Р. Комил Хоразмий (Сўзбоши). “Танланган шеърлар”. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1961. – Б. 52. Комил. Девон. Нашрга тайёрловчилар: А.Ҳайитметов, В.Мўминова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – Б. 224; Dürdane Tekin. 19. Yüzyıldan Çağatayca Bir Divan: Harezmî Kâmil Divanı'nin Transkripsiyonu ve İncelemesi. Boğaziçi Üniversitesi, 2019. – Б. 448.

¹³ Дмитриева Л.В. Тюркоязычная арабописьменная рукописная книга по ее ареалам // Рукописная книга в культуре народов Востока. Очерки. Книга первая. – М.: Наука, 1987. – С. 427.

¹⁴ Аввалги СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти Ленинград бўлими – Ш.Н.

девонининг бир нусхаси мавжудлиги тўғрисида маълумот беради¹⁵. Бу Комил Хоразмий девони манбаларининг кўлами бизга маълум бўлганидан кўра каттароқ экани тўғрисида хулоса чиқаришга асос бўлади.

Мазкур тадқиқотларда шоир ҳаёти ва ижодий мероси манбалари қисман ўрганилган. М.Юнусов, Ғ.Каримов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров ва Ш.Юсупов сингари олимларнинг шоир девони манбалари ва уларнинг матн тарихи устида олиб борган тадқиқотлари комилшуносликка қўшилган муносиб ҳиссадир¹⁶. Бироқ шўролар давридаги аксар тадқиқотларда Комилнинг кўплаб шеърӣ асарлари ҳукмрон мафкура талаблари асосида таҳлил қилиниб, кўплаб шеърлари ўз моҳиятига зид талқин этилган. Шунинг ўзиёқ шоир шеърӣ меросини бугунги адабиётшунослик мезонлари асосида қайта баҳолаш нечоғлик долзарб вазифалардан эканини кўрсатади. Комил шеърӣ асарларининг бирламчи манбалари мустақилликдан сўнг қайта монографик тарзда тадқиқ этилган эмас. Ушбу диссертацион иш матншунослик ва адабиётшуносликдаги ана шу бўшлиқни тўлдиришга қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Тадқиқот Қарши давлат университетининг “Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи ва матншунослик илмининг назарӣ ва амалӣ муаммолари” мавзуидаги илмий тадқиқотлар режаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Комил Хоразмий шеърӣ асарлари кўлёзма ва тошбосма манбалари ҳамда нашр нусхаларини қиёсий-матний таҳлил қилиш, ижодкор лирик асарларида матн тарихи, танқиди ва таҳрири муаммоларини ўрганиш, шоирнинг ўзбек мумтоз адабиёти тарихида тутган ўрнини қайта баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

матншуносликда матн танқиди ва илмий-танқидий матнга доир назарӣ қарашлар эволюциясини тадқиқ қилиш;

матн тарихи муаммосининг матншуносликда ўрганилиш тадрижини таҳлил этиш;

Комил Хоразмий девони манбаларининг илмий таснифи ва тавсифини амалга ошириш;

шоир лирик меросидан ўрин олган шеърларнинг жанрлари кесимида манбаларнинг қиёсий таҳлил қилиш;

лирик асарлар матнида ижодкор мақсад ва режаларининг юзага чиқиш омилларини тадқиқ этиш;

ижодкор асарларининг аслият ва жорий нашрлардаги матний тафовутларини амалга ошириш;

матн таҳрири масаласини илмий тасниф бўйича ўрганиш асосида шоир назмӣ асарларининг муаллиф вариантыга яқин матнларини тиклаш.

¹⁵ Дмитриева Л.В. Описание тюркских рукописей института востоковедения. III. (Поэзия и комментарии к поэтическим сочинениям, поэтика) – М.: Наука, 1980. – С. 126.

¹⁶ Абдуғафуров А. Комил Тошкентда // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1983. – №1. – Б. 10-16; Юсупов Ш. Комил ҳақида янги маълумот // Шарқ юлдузи. – 1988. – №7. – Б. 165-168; Юнусов М. Комил Хоразмий. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1960; Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. 3-китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1966. – Б. 227-256; Ҳайитметов А. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Бешинчи том. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 65-96; Ўрозбоев А. Комил девони кўлёмасининг мухтасар мундарижаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2020. – №6. – Б. 35.

Тадқиқотнинг объекти. Комил Хоразмий девонининг ЎзР ФА ШИ асосий фондида сақланаётган 1949, 1025, 922/III, 1119/IV, Ҳ.Сулаймон фондидаги 1035/IV ҳамда Туркиянинг Сулаймония кутубхонаси фондидаги 3303 қўлёзмалари, “Девони Комил”нинг 1880, 1895 йилларда Хивада, 1910 йилда Тошкентда чоп этилган тошбосмалари, шунингдек, қўлёзма ва тошбосма шаклидаги баёз, мажмуа, тазкиралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий архивидаги Н.Остроумов фонди материаллари тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини Комил Хоразмий шеърининг асарлари манбаларининг генеалогияси, матнларнинг қиёсий-матний тадқиқи, шоир назмий асарларида матн таҳрири муаммоларини ўрганиш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, матний-қиёсий, герменевтик тадқиқ усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

матн танқиди ва илмий-танқидий матнга доир назарий қарашлар эволюцияси ёритилиб, замонавий ўзбек матншунослигида илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти Алишер Навоий асарлари мисолида такомилга эришгани далилланган, буюк шоир халафлари, жумладан, Комил Хоразмий девони қўлёзмалари генеалогиясини тақширишда ана шу тажрибадан фойдаланиш зарурати ҳамда матн тарихи муаммосининг матншуносликдаги тадрижи кўрсатиб берилган;

Комил Хоразмий девонининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари, архив ҳужжатлари асосида шоир адабий мероси манбаларининг муфассал илмий таснифи ва тавсифи амалга оширилган ҳамда шу пайтга қадар илм аҳлига маълум бўлмаган 58 ғазал, 1 мураббаъ, 16 мухаммас, 8 мусаддас, 1 мусамман, 6 қасида, 7 маснавий, 16 таърих ва 12 рубоий – жами 3842 мисрадан иборат шеърлари аниқланиб, илмий истифодага олиб кирилган;

шоир асарлари қўлёзмалари ва нашр нусхалари қиёсий текширилиши натижасида матнни қисқартириш, нотўғри табдил қилиш билан боғлиқ камчиликлар аниқланиб, бирламчи манбалар асосида ғазал, мухаммас, мусаддас, қасида каби жанрлардаги шеърларининг жорий имлодаги нашрлардан тушириб қолдирилган 142 мисра матнлари аслиятга мувофиқ тарзда қайта тикланган;

матн тарихи негизида лирик шеърларида шоир бадиий ниятининг, асарни яратишдан кўзланган мақсад ва режаларининг юзага чиқишига таъсир этган: 1) ижодкор дунёқараши ва эътиқоди; 2) ирфоний ишққа доир тутуми; 3) саёҳат таассуротлари; 4) ҳақиқат ва адолатга доир қарашлари; 5) замондошлари образини яратиш нияти каби омиллар белгиланиб, Комил асарлари матнларининг тадрижий такомилли далилланган;

ижодкор асарларининг матн тарихи муаммоси назарий аспектда текширилиб, уларнинг яратилиши жараёнида муаллиф режаси ва мўлжалининг амалга ошишидан матннинг қўлёзма ҳолида кўчирилишигача, тошбосмада чоп этилишидан замонавий нашрларигача бўлган такомил босқичлари мисоллар асосида исботланган;

Комил девони қўлёзмаларида матн таҳрирининг икки тури: муаллиф ва котиб таҳрири кузатилиши, сўз, жумла, мисра, байт ва бандлар ўзига хос услубда маълум тамойиллар билан таҳрир этилгани, котиблар баъзан матн

ичида маълум белгилардан фойдаланган бўлса, айрим ҳолларда ҳеч қандай белгисиз ҳошияда ёки матннинг ичида қўшимчалар киритгани, шоир асарларида матн таҳрири: биринчидан, “нусха” (نسخه) изоҳи орқали, иккинчидан, “қанотча” белгиси (V) воситасида, учинчидан, خ ва م ҳарфлари билан, тўртинчидан, мисралар тартибининг ўзгартирилиши, бешинчидан, ҳеч бир белгисиз амалга оширилгани аниқланган ҳамда назарий умумлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ижодкор девони ҳамда лирик асарлари ўрин олган қўлёзма ва тошбосма манбалар, архив материаллар ҳамда нашрларнинг илмий таснифи ва тавсифи амалга оширилган;

тадқиқот натижалари асосида Республикамиз ва хориж қўлёзма фондларидаги қўлёзма ва тошбосма баёзлар матни қиёсий тадқиқ қилиниб, Комил Хоразмий лирик асарларининг аслиятга мувофиқ ва муаллиф вариантыга яқин матнлари тикланган;

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида асосий фондида сақланаётган 1949, 1025, 922/III, 1035/IV, 1119/ IV, 1284, Туркиянинг Сулаймония кутубхонасида сақланаётган 3303 рақамли қўлёзмалар ҳамда девоннинг 1880, 1895 йилларда Хивада, 1910 йилда Тошкентда чоп этилган тошбосмалари шоир адабий меросини жамлаган муҳим манба бўлиб хизмат қилиши далилланган;

Комил Хоразмийнинг янги аниқланган лирик асарлари талқини натижасида шоирнинг адабий-эстетик дунёси, ижтимоий воқеликка муносабати ва дунёқараши масалалари ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бирламчи манбалар асосида шоир лирик меросининг ишончли матнлари тиклангани, таҳлилга тортилган лирик асарларнинг матншунослик аспектида кўриб чиқилгани, илмий хулосаларнинг асосий ва ёндош манбалар асосида далиллангани, шоир ижодий лабораториясини ўрганиш орқали унинг ўз шеърини асарлари устида олиб борган ижодий таҳрири масаласи тадқиқ қилингани, шоир назмий асарларининг матн тарихи ва таҳрири тадқиқ қилиниб, илмий хулосалар чиқарилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти матншунослик ва адабий манбашуносликка оид назарий қарашларни бойитиши, хусусан, матн танқиди, илмий-танқидий матн, матн тарихи ва талқини масалаларининг матншунослик ва адабий манбашунослик ривожигаги ўрнини белгилашга ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертация материалларидан бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун “Матншунослик”, “Матншунослик назарияси”, “Адабий манбашунослик тарихи”, “Матн таҳрири” фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўланмаларнинг янги авлодини яратиш, илмий маърузалар, махсус курс, семинарларда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Комил Хоразмий шеърини асарлари матн тарихи ва манбаларининг қиёсий-матний тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Комил Хоразмий девонининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари, архив хужжатлари асосида шоир адабий мероси манбаларининг муфассал илмий таснифи ва тавсифи амалга оширилган ҳамда шу пайтга қадар илм аҳлига маълум бўлмаган 58 ғазал, 1 мураббаъ, 16 мухаммас, 8 мусаддас, 1 мусамман, 6 қасида, 7 маснавий, 16 таърих ва 12 рубоий – жами 3842 мисрадан иборат шеърлари аниқланиб, илмий истифодага олиб кирилганлигига оид илмий хулосалардан ОТ-F1-030 рақамли “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдлик монографияни (7-жилд) чоп этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 06 июндаги 04/1-1088-сон маълумотномаси). Натижада Комил Хоразмийнинг қўлёзма ва тошбосма манбалардан янги топилган шеърий асарлари юртимиз миллий-маънавий ва адабий меросининг ажралмас қисми экани исботланган ҳамда ушбу асарларнинг маънавиятимиз ва адабиётимиз тарихида тутган ўрнини очиб бериш имконини берган;

шоир асарлари қўлёзмалари ва нашр нусхалари қиёсий текширилиши натижасида матнни қисқартириш, нотўғри табдил қилиш билан боғлиқ камчиликлар аниқланиб, бирламчи манбалар асосида ғазал, мухаммас, мусаддас, қасида каби жанрлардаги шеърларининг жорий имлодаги нашрлардан тушириб қолдирилган 142 мисра матнлари аслиятга мувофиқ тарзда қайта тикланганига оид илмий хулосалардан ОТ-F1-030 рақамли “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдлик монографияни (7-жилд) чоп этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 06 июндаги 04/1-1088-сон маълумотномаси). Натижада Комил Хоразмий девонининг қўлёзма ва тошбосма манбалардан янги топилган шеърий мисралар шоир адабий мероси нашрларидаги бўшлиқни тўлдириш имконини берган;

матн тарихи негизида лирик шеърларида шоир бадиий ниятининг, асарни яратишдан кўзланган мақсад ва режаларининг юзага чиқишига таъсир этган: 1) ижодкор дунёқараши ва эътиқоди; 2) ирфоний ишққа доир тутуми; 3) саёҳат таассуротлари; 4) ҳақиқат ва адолатга доир қарашлари; 5) замондошлари образини яратиш нияти каби омиллар белгиланиб, Комил асарлари матнларининг тадрижий такомилли далилланганига доир хулосаларидан PZ-20170926459 – “Навоийшунослик тарихи” (XX-XXI асрлар)” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 06 июндаги 04/1-1087-сон маълумотномаси). Натижада Комил Хоразмий адабий меросининг янгича талқини, шоир лирикасининг ўзбек мумтоз ўзбек адабиётидаги мавзулар ва жанрлар такомиллида тутган ўрнини белгилаш имконини берган;

матн танқиди ва илмий-танқидий матнга доир назарий қарашлар эволюцияси ёритилиб, замонавий ўзбек матншунослигида илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти Алишер Навоий асарлари мисолида такомилга эришгани далилланган, буюк шоир халафлари, жумладан, Комил Хоразмий девони қўлёзмалари генеалогиясини текширишда ана шу тажрибадан фойдаланиш зарурати ҳамда матн тарихи муаммосининг матншуносликдаги тадрижи кўрсатиб берилганлигига доир илмий хулосаларидан “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Мавзу”, “Тарихий савол”, “Жавоҳир” ва “Тақдимот” кўрсатувларида фойдаланилган.

(Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали” давлат муассасасининг 2022 йил 06 июндаги 06-28-540-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувлар илмий-назарий маълумотлар билан бойитилиб, уларнинг илмий-маърифий савияси ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 халқаро, 5 республика илмий-назарий анжуманларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 24 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та монография, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 мақола, жумладан, 10 таси республика ҳамда 3 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт асосий боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлардан иборат. Тадқиқотнинг ҳажми 257 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, зарурати тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, фан ва технологиялар ривожигаги устувор йўналишларга мослиги, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи асосланиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тузилиши, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Матн танқиди ва матн тарихини ўрганишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобнинг дастлабки фаслида *“Матн танқиди ва илмий-танқидий матнга доир назарий қарашлар эволюцияси”* масаласи ўрганилган. Матншунослик филология илмининг етакчи ва муҳим соҳаларидан бири сифатида ёзма ёдгорликларнинг мукамал матнини тиклаш ҳамда уларни нашрга тайёрлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари билан иш кўради. Яъни муайян асар матнининг муаллиф бадиий ниятини акс эттирувчи асл ҳолатини тиклаш ва нашр эттириш мазкур соҳанинг бирламчи вазифаси ҳисобланади.

Матншуносликнинг асосий вазифаси қўлёзма ёки тошбосма нусхадаги муайян асарнинг матнини муаллиф қаламидан чиққан асл ҳолатини тиклаш ва нашр эттиришдир.

Рус матншуноси С.А.Рейсер “матншунослик” атамасининг фанда қўллана бошланиши тўғрисида фикр юритиб, ўтган асрнинг 30-йилларидан Б.В.Томашевский томонидан истифода этилганини, гарчи истилоҳ янги бўлса ҳам тушунчанинг анча қадимий эканини қайд этади: “...адабий танқид, матн танқиди, археография, герменевтика, экзегетика сўзлари тарих, қадимги адабиёт, манбашунослик каби фаннинг турли тармоқларида қўлланса ҳам аслида битта тушунчани англатади”¹⁷. Илмий адабиётларда “матншунослик”

¹⁷ Рейсер С.А. Палеография и текстология нового времени. – М.: Просвещение, 1970. – Б. 85.

ва “матн танқиди” истилоҳлар бир тушунчани англатувчи синоним сифатида қўлланади. Рус матншуноси Б.В.Томашевский: “...замонавий филологияда матн танқиди бўйича баъзи усуллар системаси ишлаб чиқилди. Улардан бир қисми қадимий ёдгорликларни ўрганиш тажрибасидан кўчирилди, бир қисми янги материалнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Бу филологик усуллар системасини “матншунослик” сўзи билан белгилаш қабул қилинди”¹⁸ деганда ҳам айнан шуни назарда тутади.

Умуман, фанда матн танқиди *асар нусхаларини ўзаро қиёслаб, матндаги тафовутларни аниқлаш ва уларни таянч нусха атрофига бирлаштириш; ўқилишидаги тафовутларни таҳлил қилиш (яъни матннинг муаллиф ёки котиб томонидан тўғри (онгли) ёхуд хатолик (эътиборсизлик) билан ўзгартирилганини аниқлаш); матнга кейинчалик киритилган ёки ундан тушириб қолдирилган ўринларни аниқлаш ва бу тафовутларнинг асар мазмунига таъсирини тадқиқ қилиш* билан характерланади. Асарнинг нашр этилишига қадар амалга ошириладиган ушбу жараёнлар илмда “матн танқиди” номи билан юритилди.

Тадқиқот, кўпинча, факсимил, академик ва илмий-танқидий матн нашрларининг узвий қисмидир. Албатта, қўлёзма манбалардаги ҳар бир кичик унсурга ҳам диққат қилмасдан матннинг мукамал тадқиқи тўғрисида фикр юритиш мумкин эмас. Д.С.Лихачев таъкидлаганидек, “Ҳар бир текстологик фарқни унга талқин бермасдан, ёрқинлик киритмасдан туриб истифода этиш мумкин эмас. Талқини берилмаган манбашунослик фактини яроқсиз деб ҳисобламоқ керак, тадқиқотчининг шундай ёндашувигина муаллиф матнини ишончли тарзда тиклашга имкон беради”¹⁹. Бу манбашунослик илмининг энг муҳим тамойилларидан биридир.

Матншунослик нашр ишларининг олиб борилиши билан ривож топди. Ўзбек матншунослигининг шаклланиши, ривожланиш усуллари ва методлари мумтоз адабиёт намуналари нашр этилиши билан боғлиқ.

Бу тўғрида сўз борганда, аввало, “илмий-танқидий матн” истилоҳига изоҳ бериш зарурати пайдо бўлади. Илмий-танқидий матн маълум асарнинг бир неча нусхаларини ўзаро қиёсий ўрганиш натижасида унинг имкон қадар муаллиф матнига яқин тикланган вариантыдир. Бу тўғрида таниқли манбашунос олим М.Ҳақимов қуйидагича ёзади: “Танқидий матн (*илмий-танқидий матн назарда тутилмоқда* – Ш.Н) – муаллифнинг дастхат нусхаси сақланмаган, ўз даврида ва кейинги даврларда турли савиядаги котиблар томонидан кўчирилган бирор асарнинг бир неча нусхаларини қиёсий ўрганиб чиқиб, янгидан тузиб чиқилган, муаллиф нусхасига нисбатан яқин, деб эътироф этилган матн”²⁰.

Илмий-танқидий матн тузишга доир назарий қарашлар тўғрисида рус матншунослигида атрофлича ёритилган бўлса-да, унинг амалиёти ўзбек матншунослиги тарихида анча аввал бошланган. Темурий шахзода Бойсунғур мирзо раҳбарлигида Фирдавсий “Шоҳнома”сининг танқидий матни яратилганлиги бунинг далилидир. Замонавий ўзбек матншунослигида эса илмий-танқидий

¹⁸ Томашевский Б.В. Писатель и книга. Очерк текстологии. Издание второе. – М.: Искусство, 1959. – Б. 30.

¹⁹ Лихачев Д.С. Текстология. – М.–Л. 1962. – С. 51.

²⁰ Ҳақимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. – Тошкент: “DAVR PRESS” НМУ, 2013. – Б. 307.

матн тузиш ишлари, асосан, ўтган асрнинг 40-йилларидан, аниқроғи, Алишер Навоий асарларининг наشري билан бошланганини эътироф этиш лозим. Ишда илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти Алишер Навоий асарлари мисолида такомилга эришгани далилланди.

Бобнинг иккинчи фасли “*Матн тарихи муаммосининг матншуносликда ўрганилиши тадрижи*” деб номланади. Ўзбек мумтоз адабиётига доир қўлёзма ва тошбосма манбаларни ўрганишда матншуносликнинг назарий қисми бўлган матн тарихи ва матн тахрири масалалари алоҳида ўрин тутди. Замонавий ўзбек матншунослигида асосий эътибор мумтоз адабиётимиз намуналарининг нашрларини уларнинг аслияти билан қиёслаш натижасида кузатилган тафовутлар таҳлиliga қаратиб келинмоқда. Бироқ матншуносликда олиб борилган илмий тадқиқотлар муайян асарнинг нусхаларини чуқур таҳлил қилиш, манбалар генеалогиясининг тадрижини кузатиш, муаллиф, котиб ва матнга алоқадор шахсларнинг дунёқарашини эътиборга олиш зарурлиги кўрсатади.

Матншунос Шуҳрат Сирожиддинов таъкидлашича: “Матн тарихини ўрганиш қўлёзма асарнинг мавжуд нусхаларини қиёслашдан бошланади. Матнлар *тўлиқ, нуқсонли, тuzатилган* (редакцияга учраган) ёки *тузатилмаган* кўринишларда учрайди. Қўлёзма нусхаларда унинг тарихи бевосита қайд этилган ёки билвосита аниқланадиган белгилар ёрдамида тикланади”²¹. Бу масалалар матн тарихи билан боғлиқ кўпроқ ташқи белгиларни ўз ичига олади. Матн тарихи, бундан ташқари, бадий матннинг моҳиятига алоқадор хусусиятларни ҳам ўрганади.

Мазкур масала тўғрисида тўхталар экан, рус матншуноси Д.С.Лихачев “матн тарихи муайян асар матнининг барча масалаларини қамраб олишини, асарга алоқадор ҳамма масалаларни фақат тўлиқ (ёки имкон даражасида тўлиқ) ўрганишгина асар матни тарихини том маънода кашф этиш имконини бериши”ни таъкидлайди²².

Ишда матн тарихини ўрганиш тўғрисида матншунос олимлари қарашлари атрофлича таҳлил қилинди.

Матншунос Нурбой Жабборов матн тарихининг назарий моҳиятини деталлаштириб талқин қилади: “Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, матн тарихи қўлёзма манбалар генеалогиясини текширишдан муаллифнинг ва ҳатто манбани кўчирган котибнинг дунёқараши ва ғоясини ўрганишгача, асарнинг юзага келишида муаллиф ижодий ниятининг рўёбга чиқишидан унинг яратилишигача у ёки бу даражада алоқадор бўлган бошқа адабий ёдгорликлар билан ўзаро боғлиқ жиҳатлари тадқиқигача бўлган барча жараёнларни қамраб олади”²³. Табиийки, бундай ёндашув бадий асар матни билан боғлиқ барча масалаларни қамровли тадқиқ қилиш имконини беради. Бошқа ижодкорлар лирик меросини ўрганишда бўлгани каби Комил адабий

²¹ Сирожиддинов Ш. Матншунослик сабоқлари. – Тошкент: Navoiy universiteti, 2019. – Б.18.

²² Лихачёв Д.С. При участие А.А. Алексеева и А.Г. Боброва. Текстология на материале русской литературы X – XVII веков. – Санкт-Петербург: Изд-во «Алетейя», 2001. – С. 33.

²³ Жабборов Н. Ўзбек матншунослиги ва унда матн танқиди, илмий-танқидий матн истилоҳларининг ўрни. / Ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишнинг назарий ва манбавий асослари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2019. – Б. 12.

меросини тадқиқ этишда ҳам матн тарихига бундай ёндашув бўлган эмас. Рус матншуноси Б.В.Томашевскийнинг ёзишича: “Матн тарихи (бу тушунча англлатган кенг маънога кўра) адабиёт тарихи тадқиқотчисига адабий ёдгорликка оид зохирий маълумотларни эмас, муаллиф лабораториясининг ботиний жиҳатларини кашф этиш имконини беради”²⁴.

Матн тарихи бадиий асар матнига дахлдор барча масалаларни қамраб олиши инобатга олинса, ўзбек матншунослигида мазкур назарий муаммо қачондан бошлаб ўрганилгани, умуман, матн тарихи муаммосининг генезиси тўғрисида мулоҳаза юритиш зарурати пайдо бўлади. Матншунос Нурбой Жабборов матн тарихини тадқиқ қилиш илдизлари Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг ўрганилиши билан боғлиқ эканини таъкидлайди²⁵. Хусусан, олим ҳадис китобларининг яратилиши тўғрисидаги қуйидаги қарашларнинг матн тарихи билан боғлиқ эканини алоҳида қайд этади: “Мусулмонларда ёзма маълумотлар, хусусан, ҳадис китоблар бир қанча шартлар асосида нақл қилинади. Муҳаддис ўз тўплами асосида ҳадис айтар экан, уни одамларга ўқиб беради. Хоҳловчилар айтилган ҳадисларни ёзиб олишади. Агар жамоат катта бўлса, ҳар жой-ҳар жойда муҳаддиснинг сўзини етказиб беришга маълум кишилар тайинланади. Улар ҳар бир сўзни баланд овозда узоқдагиларга етказиб беришади. Кейин ҳадисларни тўлиқ ёзиб олган шогирд ўз ёзганларини устоз кўригидан ўтказади: устоз шогирднинг ёзганини, шогирд устознинг китобини қўлга олади ва ҳар бир ҳадисни сўзма-сўз текшириб, охириги ҳарфигача асл нусхага солиштириб чиқилади. Китоб кўчиришдаги бу услуб “муқобала” деб аталади”²⁶.

Матн тарихи ва унинг генезиси тўғрисида тўхталар экан, матншунос Қўлдош Пардаевнинг Маҳмуд Кошғарий қаламига мансуб “Девону луғоти-т-турк” асари ёзилишида муаллифнинг нияти, режасининг амалга ошув жараёни билан боғлиқ мулоҳазалари, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Хамса” асарининг ёзилиш тарихи билан боғлиқ фикрлари матншуносликнинг ушбу муҳим назарий масаласи ўзбек шоир ва мутафаккирларининг доимий эътиборида бўлганини кўрсатади²⁷. Гарчи ушбу асарларда айнан “матн тарихи” истилоҳи қўлланмаган бўлса-да, унинг моҳияти баён қилинган. Бу эса, ўз навбатида, матншуносликнинг назарий асосларини миллий адабиётимиз манбаларидан излаш зарурлигини кўрсатади.

Диссертациянинг “**Комил девони қўлёзмалари генеалогияси**” деб номланган иккинчи бобида шоир девони манбаларининг таснифланиб, тавсифлари келтирилди. Мавжуд манбаларнинг жанрлар бўйича қиёсий таҳлили амалга оширилди. Комил Хоразмийнинг лирик мероси қўлёзма ва тошбосма шаклдаги девонларидан ташқари яна ўнлаб ёндош манбаларда сақланиб қолган. Ишда ушбу манбалар қуйидагича таснифланди: *I. Қўлёзма девонлар; II. Қўлёзма*

²⁴ Томашевский Б.В. Писатель и книга. Очерк текстологии. Изд. 2-е, – М., 1959. – С. 148.

²⁵ Жабборов Н. Матн тарихи ва унинг генезисига доир айрим мулоҳазалар. /Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. 1-китоб. – Наманган, 2021. – Б. 5-7.

²⁶ Олтин силсила. Саҳиҳул-Бухорий. I жилд. – Тошкент: Nilol-nashr, 2012 – Б. 29.

²⁷ Пардаев Қ. Муқимий шеърятининг матн тарихи, таҳрири ва талқини. Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2020. – Б. 45-48.

баёзлар; III. Тазкиралар; IV. Тошбосма девонлар; V. Тошбосма баёзлар; VI. Вақтли матбуот наирлари; VII. Архив ҳужжатлари.

Ҳар бир ижодкор лирик меросини тадқиқ қилишда унинг девони асосий тадқиқот манбаси бўлиб хизмат қилади. Шу маънода, Комил Хоразмий ижодини ўрганишда ҳам адабий меросини асосий қисмини ўз ичига олган “Девони Комил” бирламчи манба бўлиб, унинг бир қанча қўлёзмалари етиб келган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фондида шоир девонининг куйидаги бешта қўлёзмаси сақланади:

1949 рақамли қўлёзма. Комил Хоразмий лирик меросининг ҳозирда маълум нусхалари орасида нисбатан энг мукаммали.

Қўлёзмада айрим нуқсонлар ҳам учрайди. Масалан, Муҳаммад Раҳимхонга бағишланган 34 байтли қасида (139^б-140^б) тугалланмай қолган. 140^б-саҳифа сўнгида “بولوب مست” сўзининг пойгир сифатида келиши ва ундан кейинги саҳифанинг бўш қолдирилгани шундай хулосага олиб келади. Котиби ва кўчирилган йили номаълум. “Шарқ қўлёзмалари тўплами”да келтирилган маълумотга кўра, девон ҳижрий 1313 (м. 1895-1896) йилда кўчирилган²⁸.

1025 рақамли қўлёзма ҳам юқоридаги манба билан деярли бир хил. Бунда ғазаллар сони 204 та. Котиби номаълум. 168^а-саҳифада котиб томонидан келтирилган “Таммат тамом 1313” қайди орқали қўлёзманинг кўчирилган йили (м. 1895) ойдинлашади. Қўлёзмада жуда кўп саҳифалар очиқ қолган, яъни рақамланган саҳифаларида умумий ҳисобда 45 саҳифа бўш қолдирилган.

922/III рақамли қўлёзма. Бошқа қўлёзмалардан фарқли равишда ушбу нусхада ўзбекча ва форсча тилдаги лирик асарлар алоҳида кўчирилган. Девоннинг ушбу қўлёзмаси ўзининг сифати, хушхатлиги, шеърлар матнининг тўлиқлиги ва тартиби билан бошқа нусхалардан ажралиб туради.

Колофонга кўра, қўлёзма Феруз топшириғи билан ҳижрий 1321 йил ражаб ойи (1903 йил сентябрь-октябрь)да Муҳаммад Яъқуб девон – Харрот бин уста Қурбонниёз Хоразмий томонидан кўчирилган.

1119/IV рақамли қўлёзма. Ушбу қўлёзмада Феруз, Холис, Рожий ва Комил Хоразмийнинг девонлари жамланган. Комил девони қўлёзманинг 128-238 саҳифаларидан ўрин олган. Қўлёзмадаги шеърлар миқдори анча ихчам: 183 ғазал, битта мураббаъ, 12 та таърих, 4 та қасида, 5 та маснавий. Колофонда келтирилган маълумотга кўра, қўлёзма Феруз топшириғига биноан Мулла Бобожон ибн Абдулазиз томонидан ҳижрий 1321 (1903-1904) йилда кўчирилган.

1035/IV рақамли қўлёзма. Шарқшунослик институтининг Ҳамид Сулаймонов фондидаги ушбу қўлёзма матни 1119/IV рақамли қўлёзма билан бир хил бўлиб, қўлёзма нусхалар ичида энг ихчам. Бу айниқса, ғазал (170 та) ва мусаддаслар (3 та) сонидан сезилади. Колофонга кўра, Феруз топшириғига кўра ҳижрий 1318 йил шаъбон ойининг 24-куни (1900 йил 17 декабр)да Муҳаммад Шариф бин Маҳмуд Ниёз томонидан кўчирилган.

²⁸ Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Т. VII. – Ташкент: АН Р Уз, 1964. – С. 134.

Институт фондидаги 1284 рақамли қўлёзма илмий адабиётларда Комил Хоразмий девони сифатида қайд қилинса-да²⁹, ташқи белгиларига кўра, у XIX аср охирида кўчирилган мусаввада. Қўлёзмадан ўрин олган ғазал, мухаммас, мусаддас, мусамман ва таърихлар жанрлар бўйича тартибсиз ва аралаш жойлаштирилган. Кўпгина шеърлар тугалланмаган.

Қўлёзмалар мумтоз адабий меросимизни тадқиқ қилишнинг асосий манбаси ҳисобланади. Комил Хоразмий лирик меросини ҳам илмий ва адабий истеъмолга киритишда шоир девонининг бир неча нусхалари билан бирга ўнлаб қўлёзма баёзлар қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 6977, 6985, 1132, 1133, 1135/V, 1155, 3326, 5058, 7050, 797/II, 1569/VI рақамли ўнлаб баёзларда Комил Хоразмийнинг турли мавзу ва жанрдаги шеърлари ўрин олган.

Шоир адабий меросини тадқиқ қилишда тошбосма нашрлар қимматли манба вазифасини бажаради. Комил девони уч марта – икки марта Хивада (1880, 1895), бир марта Тошкентда (1910) чоп этилган. Хива нашрлари айрим қисқартириш ва таҳрирларга қарамай, Комил Хоразмий лирик мероси тадқиқида қимматли манба вазифасини бажаради.

Шарқшунослик институти фондидаги 9489 ва Ҳамид Сулаймон фондидаги 963 рақамли тошбосма баёзлардан ҳам шоирнинг бир қатор шеърлари ўрин олган.

Комил Хоразмийнинг ғазал, мухаммас, қасида жанрларида яратилган шеърлари 1891, 1894 йилларда “Туркистон вилоятининг газети”и саҳифаларида чоп этилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий архивидаги Н.Остроумов фонди материаллари орасида Комил қаламига мансуб “Ул ики шўх” радифли ғазалнинг қўлёзма³⁰ ва типографик³¹ усулдаги нусхалари мавжуд.

Бобнинг иккинчи фасли “*Манбаларнинг қиёсий таҳлили*” деб номланган. Бугунга қадар шоир девонининг бир неча қўлёзма ва тошбосма нусхалари етиб келган бўлса-да, унинг муаллиф дастхати маълум эмас. “Девони Комил” номи билан еттита қўлёзма, учта тошбосма маълум. Шоир асарлари киритилган тўпламлар, “Танланган шеърлар” нашри ана шу манбаларга асосланган. Комил девонининг нашрида эса 1949 ва 1025 рақамли қўлёзмаларга таянилган³². Комил ижодини тадқиқ қилган М.Юнусов ҳам мазкур икки қўлёзмани “шоирнинг ҳамма асарларини ўз ичига олган, мукамал деб ҳисоблаш мумкин бўлган” нусхалар эканини қайд этади³³. Олимнинг бу фикрини мутлақо тўғри деб қараш бироз баҳсли масала. Негаки, Комил Хоразмийнинг нафақат ушбу икки нусха, балки девон қўлёзма ва тошбосмаларининг ҳеч бирига кирмаган шеърлари ҳам мавжуд. Шунга кўра Комил Хоразмий лирик меросидан ўрин олган шеърларни уч гуруҳда таснифлаш мумкин: 1. Девон манбаларидан ўрин олган шеърлар; 2. Мусаввада ва баёзлардан ўрин олган шеърлар; 3. Иморатлар пештоқиға битилган шеърлар.

²⁹ Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Т. VII. – Ташкент: АН Р Уз, 1964. – С. 134.

³⁰ Ўзбекистон Миллий архиви. Н.Остроумов фонди материаллари. 1009-фонд, 115-ҳужжатлар тўплами. – Б. 35.

³¹ Ўша фонд. 156-ҳужжатлар тўплами. – Б. 232.

³² Комил. Девон. Нашрга тайёрловчилар: А.Ҳайитметов, В.Мўминова. – Тошкент: 1975. – Б. 14.

³³ Юнусов М. Комил Хоразмий. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1960. – Б. 55-56.

Девон манбаларидан ўрин олган шеърлар. Комил лирик меросини тадқиқ қилишда унинг девони етакчи манба бўлса-да, аслида шоир девони қўлёзма ва тошбосмаларининг ҳеч бирини мукамал деб даъво қилиб бўлмайди. Шеърлар сонига кўра нисбатан каттароқ ҳажмдаги нусхаларда ҳам матний нуқсонлар мавжуд. Ишда уларнинг жанрлар кесимидаги миқдори жадвал кўринишда берилди.

Девоннинг 1949 рақамли қўлёзмаси (нусханинг ўзида қайд қилинмаган) “Шарқ қўлёзмалари тўплами”да “1313/1895-1896 йилда кўчирилган” деб кўрсатилган бўлса-да, қўлёзма мазкур санадан биров аввал кўчирилган бўлиши мумкин. Биринчидан, ушбу қўлёзмада ғазаллар сони кейинги нусхаларга қараганда тўртта кам. Маълумки, шоирнинг ўзи ёки қўлёзма котиби кейинги нусхаларни кўчиришда уни янги шеърлар билан тўлдириб борган. Иккинчидан, 1025 ва 922/III рақамли қўлёзмалар матнида қўшилган ғазалларнинг мазмуни шундай хулоса чиқаришга асос бўлади. “*Манга, эй пари кўб итоб айлама*”, “*Рақиб хорлар иззатмаоб ўлди яна, афсус*”, “*Қолиб аҳбобдин танҳоу зор ўлгонга йиғларман*” ғазаллари замона аҳлидан норозилик, дунё ишларидан дилгирлик ҳамда умрнинг бевафолигидан надомат мазмунидаги ғазаллар шоир ҳаётининг сўнгги йилларида яратилган ва ушбу икки нусхага киритилган.

Девон манбаларининг ўзаро қиёсий таҳлилини амалга оширишда улардан ўрин олган лирик жанрлар бўйича тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Шунга кўра, ишда манбаларнинг жанрий таркиби ва матний хусусиятлари тўғрисида тўхталинди.

Мусаввада ва баёзлардан ўрин олган шеърлар. Комилнинг юқорида кўрсатилган девон нусхалари таркибига кирмаган бир қатор шеърлари борки, уларнинг мавзу кўлами, жанрий ва бадий хусусиятлари шоир лирик меросининг сара намуналари эканини кўрсатади. Масалан, 1284 рақамли қўлёзманинг 5^о-саҳифасида шоирнинг

اگر معشوق نينگ كويى سارى عزم ايلسانگ نكرا
ايچيب كوكنارنى مست اول داغى او غلاق كيى سكر

матлаъли олти байтдан иборат ғазали³⁴ Комил шеърлари киритилган бошқа бирор манбада учрамайди.

Қўлёзмадаги янги аниқланган иккинчи шеър – “Истимоъ эт шарҳ холи зоримни” мисраси билан бошланувчи мураббаъ³⁵ ҳамда ўзининг “*Ваҳки, кўзларим гирён қилди лаъли хандонлар*” деб бошланувчи ғазалига тахмиси Комилнинг бошқа манбаларда учрамайдиган шеърлари экани билан аҳамиятли.

Шунингдек, Шарқшунослик институти фондидаги 797 рақамли қўлёзмадан жой олган ўттиз байтдан иборат “Қасидаи Комил”³⁶, 1569/VI рақамли қўлёзма баёздаги рубой³⁷, 5058 рақамли баёздан ўрин олган (Навоий ғазалига) тахмис³⁸, 9489 рақамли тошбосма баёздаги “Мухаммаси Комил бар ғазали

³⁴ ديوان كامل. Мусаввада. Қўлёзма. ЎзРФА ШИ асосий фонди. Инв№.1284. – Б. 5^о.

³⁵ ديوان كامل. Мусаввада. Қўлёзма. ЎзРФА ШИ асосий фонди. Инв. №.1284. – Б. 59^б-60^а.

³⁶ Мухаммасот. Баёз. Қўлёзма. ЎзРФА ШИ Ҳамид Сулаймон фонди. Инв№.797. – Б. 96^а-97^б.

³⁷ Ашъори Комил. Баёз. Қўлёзма. – Котиби ва кўчирилган йили номаълум. ЎзРФА ШИ Ҳамид Сулаймонов фонди. Инв. №.1569/VI. – Б. 581.

³⁸ Мухаммасот. Баёз. Қўлёзма. ЎзРФА ШИ асосий фонди. Инв№.5058. – Б. 133^а-134^а.

Фузулий” сарлавҳали тахмислар³⁹ Комил шеърлари киритилган манбаларнинг ҳеч бирида учрамайди.

Иморатлар нештоқига битилган шеърлар. Комил Хоразмий қаламига мансуб яна бир туркум шеърлар борки, улар “*Ичан – қалъа*” давлат музей – кўриқхонасидаги айрим иморатларнинг турли ўринларида битилган.

Ишда девон манбалари – 1949 рақамли кўлёзма *таянч манба* сифатида шартли равишда “А”, *таянч ёрдамчи манбалар* сифатида 1025 рақамли кўлёзма “В”, 922/III рақамли кўлёзмада “С” нусха деб белгиланди. Девоннинг *ёрдамчи манбалари* сифатида 1035/IV рақамли кўлёзма “D”, 1119/IV рақамли кўлёзма “Е”, 3303 рақамли кўлёзма “F” нусхалар деб номланди. “Девони Комил”нинг тошбосма вариантлари эса хронологик тартибда номланди. Яъни 1880 йилдаги Хива нашри “Т1”, 1895 йил нашри “Т2”, 1910 йилда Тошкентда чоп этилган тошбосма эса “Т3” нусха сифатида шартли ном берилди. Ишда кўлёзма ва тошбосма шаклдаги баёз, мажмуа, тазкира ҳамда бошқа асарлар ҳам ёрдамчи манбалар сифатида истифода этилди ва сақланиш рақамлари билан келтирилди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Комил шеърятининг матн тарихи**”га бағишланган. Бобнинг “*Матнда ижодкор мақсад ва режаларининг юзага чиқиш омиллари*” деб номланган биринчи фаслида шоир бадийий ниятининг, лирик асарни яратишда ўз олдига қўйган мақсад ва режаларининг юзага чиқишига таъсир этган бир қатор омиллар куйидагича таснифланган: 1) *ижодкорнинг диний-маърифий қараишлари акс этган шеърлар*; 2) *анъанавий ишқий мавзудаги шеърлар*; 3) *саёҳат натижасида юзага келган шеърлар*; 4) *ижтимоий адолатсизликдан норозилик мазмунидаги шеърлар*; 5) *замондошлари образи акс этган шеърлар*.

Ижодкорнинг диний-маърифий қараишлари акс этган шеърлар, асосан, Аллоҳга ҳамд, муножот, Муҳаммад алайҳиссаломга ҳамд, тўрт халифа таърифу тавсифи ўрин олган ғазалларни ўз ичига олган. Шоир девонининг ҳам айни шу мазмундаги шеърлар билан бошланиши, аввало, ҳар бир ишни ислом таълимоти қоидаларига кўра Аллоҳ таоло исми билан бошлаш лозимлиги, қолаверса, муаллифнинг эътиқоди билан боғлиқ. Комил Хоразмий девони ҳам бундан мустасно эмас. “Девони Комил” ушбу анъанага мувофиқ

Зиҳи, ҳуснунг гулига йўқ баҳору ибтидо пайдо,

Ҳам эрмас бу баҳорингга хазону интиҳо пайдо –

матлаъли ғазал билан бошланади⁴⁰.

Комил девонида ўнга яқин наът ғазал мавжуд бўлиб, уларда Муҳаммад алайҳиссалом башариятнинг энг мукамал ва ибратли кишиси сифатида улуғланади, юксак инсоний фазилатлари таърифланади. Ушбу туркумдаги шеърларда оят ва ҳадислардан кўплаб иқтибослар келтириладики, бу шоирнинг Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни чуқур эгаллаган, дин аҳкомларига эътиқоди ниҳоятда баланд инсон бўлганини далиллайди.

³⁹ Баёзи янги. Тошбосма. ЎзРФА ШИ асосий фонди. Инв. №.9489. – Б. 97.

⁴⁰ Комилнинг шеърятдаги устозлари Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Огаҳийларнинг девонлари ҳам “Пайдо” радиопи ҳамд ғазаллар билан бошланган. *Бу ҳақда қаранг:* Девони Мунис. Кўлёзма. ЎзРФА ШИ асосий фонди. Инв.№ 940. – Б. 2^а; Огаҳий. Девон. Асарлар. VI жилдлик. I жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971. – Б. 51-52.

Анъанавий ишқий мавзудаги шеърлар. Комил адабий меросининг ҳам салмоқли қисмини сўз санъатидаги кўҳна мавзу – ишқий лирика ташкил этади.

Шоир лирикасида маъшуқа тасвирига ўзига хос ёндашув кузатилади:

*Айну шину қофинга то бўлди кўнглум мубтало,
Долу роу дол ҳажрингдин дами эрман жудо.*

Ошиқ “Кўнглим сенинг ишқинга мубтало бўлдики, бир дам ҳам дарди ҳажринг мени тарк этмайди” деб зорланар экан, “ишқ” ва “дard” сўзларини бевосита ишлатмасдан уларда иштирок этган ҳарфлар (“айн”, “шин”, “қоф” ва “дол”, “ро”, “дол”) воситасида бетақрор сўз ўйини қўллайди.

Саёҳат натижасида юзага келган шеърлар. Комил Хоразмий 1891 йилнинг 28 августидан 13 сентябрига қадар хонлик сиёсий ва маданий ҳаётининг мутасаддиси сифатида шахзода Асфандиёрга ҳамроҳлик қилиб Тошкент шахрида бўлади. Унинг “Дар таърифи тавсифи Тошканд” қасидаси ва “Ул икки шўх” ғазали яратилиш тарихи ушбу сафар таассуротлари билан боғлиқ бўлиб, бу тўғрида адабиётшуносликда атрофлича мулоҳазалар билдирилган⁴¹. Ишда шоирнинг мазкур шеърлари матни тарихи тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилди.

Ижтимоий адолатсизликдан норозилик мазмунидаги шеърлар. Комил ижодида ҳасби ҳол мазмунидаги шеърлар оз миқдорда бўлса-да, учрайди. Хусусан, бир қатор тадқиқот ва мақолаларда замондоши Рожий Хоразмий билан муносабатларининг дарз кетишига сабаб бўлган воқеа баён қилинган маснавий таҳлил қилинган⁴². Шоир бу маснавийда таржиманинг асосий қисмини ўзи таржима қилгани, айрим ўринлардагина Рожийнинг кўмаги бўлганини таъкидлайди:

*Турк они Рожий қилмаши эрди,
Лекин андак анга кўмак берди.*

Рожий ҳаёти ва ижоди тадқиқотчиси М.Бердимуродова М.Юнусовнинг бу ҳодисага бирёқлама, ноҳолис муносабат билдирганини, унинг бу маълумотни қайси манбадан олганини ёзмаганига эътироз билдириб, баҳсга киришади⁴³.

Замондошлари образи акс этган шеърларда, асосан, Комилнинг мувашшах шаклидаги ғазаллари ҳамда таърихлари тадқиқ қилинди.

Бобнинг “*Аслият ва жорий нашрлардаги тафовутлар таҳлили*” номли иккинчи фаслида девон манбалари ва бошқа манбалардаги шеърлар матнининг жорий нашрлардаги ҳолати, турли матний тафовутлари таҳлил қилинди.

Комил Хоразмий шеърларини оммавий нашрга киритиш ўтган асрнинг 40-йилларидан бошланган. 1945 йилда адабиётшунос олим О.Шарафуддинов томонидан тузилган “Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси”да Комил каламига мансуб беш ғазал, Рожий ғазалига тахмис ва баҳри тавилнинг

⁴¹ Абдуғафуров А. Комил Тошкентда // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1983. – №1. – Б. 10-16; Юсупов Ш. Комил ҳақида янги маълумот // Шарқ юлдузи. – 1988. – №7. – Б. 165-168.

⁴² Юнусов М. Комил Хоразмий. Даври, ҳаёти ва ижоди. – Тошкент, Бадиий адабиёт, 1960. – Б. 52; Шу муаллиф. Комил Хоразмий // Шарқ юлдузи. – 1956. – №11. – Б. 93; Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 116.

⁴³ Бердимуродова М. Мухаммад Юсуф Рожий Хоразмий адабий мероси. Фил. фан. номз....дисс. 2010. – Б. 25.

(қисқартирилган ҳолда) чоп этилиши шоир лирик асарларининг жорий имлодаги илк намунасидир⁴⁴. Кейинчалик Комил асарлари “Ўзбек поэзиясининг антологияси”⁴⁵, “Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси”⁴⁶ ҳамда “Ўзбек адабиёти” тўпламларига ҳам киритилди⁴⁷.

Айни пайтда Комил Хоразмий лирик асарларидан иборат икки нашр мавжуд. Биринчи нашр “Танланган шеърлари” бўлиб, қирққа яқин шеър ўрин олган. Тошбосма матнидаги айрим хатоликлар нашрга ҳам кўчган.

Комил адабий меросининг иккинчи ва айни пайтдаги нисбатан тўлдирилган нашри 1975 йилда амалга оширилган⁴⁸. “Девон”дан шоирнинг 149 ғазал, 2 мураббаъ, 2 мухаммас, 2 мусаддас, 4 рубоий, 3 муаммоси, биттадан мустазод, мусаббаъ жанрларидаги шеърлари, “Тошканд мадҳи” қасидаси ва баҳри тавил ўрин олган. Девон Шарқшунослик институти фондидаги 1025 ва 1949 рақамли қўлёзмалар асосида нашрга тайёрланган⁴⁹.

Комил девонидаги шеърларнинг аслият ва нашр вариантлари орасидаги матний тафовутларни қуйидагича таснифлаш мумкин: 1. ўзгаришлар; 2. қисқартиришлар.

Ўзгаришлар. Комил девонининг қўлёзма ва тошбосма манбаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, нашрларда кўплаб шеърлар матни ўзгаришларга учраган. Бу тафовутлар сўз ва бирикмалар, мисралар, байтлар ҳамда бандларга тегишли бўлиб уларни қуйидагича тасниф этиш мумкин: 1. Сўз ва бирикмалар ўзгариши; 2. Мисра, байт ва бандлар тартибининг ўзгариши.

Сўз ва бирикмалар ўзгариши. Комил назмий асарларининг юқорида келтирилган нашрлардаги матнларида сўз ва сўз бирикмаларининг кўплаб ўзгаришлари мавжуд. Бу ўзгаришлар қуйидагича гуруҳланди:

1) *қофия тизимига таъсир қиладиган ўзгаришлар*; 2) *шеър вазнига таъсир қиладиган ўзгаришлар*; 3) *қўшма ёки ясама сўзлар имлоси билан боғлиқ ўзгаришлар*; 4) *сўзларнинг нотўғри табдили билан боғлиқ ўзгаришлар*; 5) *изофа ва боғловчининг алмаштириб қўлланилиши*; 6) *ягона нусхадан фойдаланиш билан боғлиқ ўзгаришлар*; 7) *атоқли отлар имлоси билан боғлиқ ўзгаришлар*.

Сўз ва бирикмаларнинг ўзгариши диссертацияда юқоридаги тасниф бўйича батафсил таҳлил қилинган.

2. Мисра, байт ва бандлар тартибининг ўзгариши. Нашрда шеърини асарнинг муаллиф матнига ношир томонидан киритиладиган ҳар қандай ўзгартириши нафақат мазмунни, балки шоир қўлланган бадий ният ва шаклнинг мутаносиблигига путур етказди. Комил ғазалларидан бирининг сўнгги икки байти девон нашрида қуйидаги шаклда берилган:

*Сирри пинҳонинг билурга айласа
Истироқу истироқу истироқ.*

⁴⁴ Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. Икки томлик. II том. Тузувчи О.Шарафуддинов. – Тошкент: Ўздавнашр, 1945. – Б. 411-416.

⁴⁵ Ўзбек шеърининг антологияси. Беш томлик. III том. Тузувчилар: О.Шарафуддинов, А.Қаюмов, Р.Мажидий. – Тошкент: Ўздавнашр, 1961. – Б. 265-278.

⁴⁶ Ўзбек поэзиясининг антологияси. – Тошкент: Ўздавнашр, 1948. – Б. 190-191.

⁴⁷ Ўзбек адабиёти. Тўплам. Тўрт томлик. III том. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1959. – Б. 782-800.

⁴⁸ Комил. Девон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – Б. 224.

⁴⁹ Шу манба – Б. 14.

*Қошларинг бош қўшди Комил қатлига –
Иттифоқу иттифоқу иттифоқ. (95-бет)*

Такрор сўзларнинг луғавий маъноси байтлар мазмунида мантиқан ғализлик мавжудлигини кўрсатади. Луғатда “истироқ” (استِرَق) “бирор ишни ўғринча бажариш” маъносида келиб, байтда “гап ўғирлаш”, “узунқулоқлик”, “яширинча тинглаш” мазмунини англатади. “Иттифоқ” (اتفاق) эса “бир фикрга келиш”, келишув маъносини билдиради. Энди ушбу икки байтнинг девон кўлёмаларидаги матнларига диққат қиламиз:

سرّ پنهانينگ بيلورگا ايلاسا
استراق استراق استراق
قاشلارينگ باش قوشدى كامل قتليغا
اتفاق اتفاق اتفاق

Демак, аслиятдан кўриниб турибдики, яширин сирларни билиш *истироқ* сўзини, ошиқ жонига қасд қилган қошларнинг туташуви (келишуви) *иттифоқ* сўзини кўллашни тақозо қилади.

Қисқартиришлар. Нашрлар амалга оширилган давр мафкураси нуқтаи назаридан бир қатор байтлар қисқартирилган.

Умуман, шўро даври нашрларида диний калималар, маърифий тушунчаларни англатувчи сўз, жумла, байт ва бандлар қисқартирилгани сир эмас. Бироқ девон нашрида нафақат диний-маърифий иборалар ёки давр ҳукмдори васф этилган жумлалар мавжуд байтлар, балки соф лирик мазмундаги байтлар ҳам тушириб қолдирилган. Биргина ғазал жанридаги шеърларнинг ўзидан қирқ байтнинг қисқартирилиши нашр учун катта йўқотиш бўлганини таъкидлаш лозим. Нашрдаги мураббаъ ва мухаммаслар матнида ҳам учрайдиган бу каби тафовутлар ишда атрофлича ёритилди.

Диссертациянинг тўртинчи бобида “**Шоир шеърияти матни таҳрири муаммоси**” тадқиқ қилинган. Унинг илк фасли “*Сўз, жумла ва мисралар таҳрири*” деб номланган. Комил девони манбаларидаги матний тафовутлар таҳлилини амалга ошириш, уларнинг муаллиф ёки манбани кўчирган котибга тегишли эканини аниқлаш ва асосли хулосага келиш муҳим масала. Девон манбалари матни устида олиб борилган изланишлардан келиб чиқиб улардаги матн таҳрири билан боғлиқ тафовутларни дахлдорлигига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1. *Муаллиф таҳрири*; 2. *Котиб таҳрири*.

Муаллиф таҳрири. Девон манбаларининг ўзаро қиёси ундаги шеърларнинг муаллиф томонидан таҳрир қилиниши натижасида кўплаб ўзгаришларга учраганини кўрсатади. “*Мане Мажнун бўлубман бир пари ишқида девона*” мисраси билан бошланувчи ғазалнинг ўнинчи байти девоннинг А, В ва С нусхаларида

ملازم پيشه بولما جاه اوچون هر بير مختس غه
توکل شاه راهی دا تک پو ايلامردانه

шаклида берилган бўлса, Д, Е, Т2 ва Т3 нусхаларда ундаги “*بير مختس غه*” бирикмаси “*پست فطرتغه*” тарзида берилган. Девоннинг С, Д, Е, Т3 нусхалари кейинги даврларда кўчирилган бўлса ҳам таянч ва ёрдамчи таянч (А ва В)

хамда Т2 нусхаларнинг бир пайтда (1895 йилда) кўчирилгани байтдаги бирикманинг муаллиф томонидан таҳрир қилинганини тасдиқлайди.

Таъкидлаш керакки, Комил девонининг қўлёзма ва тошбосма манбаларини қиёсий ўрганиш ундаги кўпгина шеърларнинг муаллиф томонидан таҳрир қилинганини кўрсатади.

Котиб таҳрири. Девон манбаларининг кўплаб ўринларида котиб томонидан қилинган таҳрирлар учрайди. Масалан, “*Куйсун ўтга йўлингда бўлмаса фидо ҳар жон*” деб бошланувчи ғазалнинг тўққизинчи байти девон қўлёзмалари ва Т1, Т2 нусхаларида қуйидаги шаклда берилган:

اوزگا يوز تماشاسى خاطر يم قىلور تيره
شعله جمالينگ دين بولغالى منور جان

Т3 нусхада эса биринчи мисрадаги “*تيره*” сўзи ўрнида унинг маънодоши “*خير*” сўзи қўлланган. Ушбу икки сўз матнга мазмунан мос бўлса ҳам, “хира”нинг қўлланиши вазн сакталигига сабаб бўлган.

Айрим ҳолларда кўчириш жараёнида йўл қўйилган хатолик котиб томонидан матннинг ўзида тузатиб борилган.

Бироқ бир қанча ўринларда котиб томонидан йўл қўйилган имловий ва лексик хатоликлар тузатишсиз қолдирилган.

Девон манбаларида сўз, жумла ва мисралар котибларнинг ўзига хос услуби маълум тамойиллар билан таҳрир қилиб борилган. Ушбу таҳрирларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. “*Нусха*” (*نسخه*) *изоҳи билан тузатишлар*. 2. “*Қанотча*” *белгиси (ʷ) билан тузатишлар*. 3. *ҳ ва м ҳарфлари билан тузатишлар*. 4. *Мисралар тартибининг тузатилиши* 5. *Белгисиз шаклда амалга оширилган тузатишлар*.

Диссертацияда котиб томонидан амалга оширилган тузатишлар аслиятдаги матнлар билан қиёсланиб шарҳланди. Шунингдек, айрим ҳолатлар котибнинг матнга эътиборсизлик ёки асар бадииятидан беҳабарлик билан ёндашиши натижасида матн мазмуни ва мисралар тартибига дахл қилувчи ўзгаришлар ҳам таснифланди: 1) *мисраларнинг такрор кўчирилиши*; 2) *мисраларнинг кўчирилмай қолиши*; 3) *мисраларнинг ноўрин таҳрир қилиниши*.

Умуман, девон манбаларидаги котиб таҳрири масаласи юзасидан олиб борилган изланишлар Комил шеърларининг мукаммал матнларини тиклашда қимматли илмий хулосаларга келиш имконини беради.

Бобнинг иккинчи фасли “*Байт ва бандлар таҳрири*” деб номланади. Комил девонининг қўлёзма ва тошбосма манбаларидаги байт ва бандларнинг таҳрири билан боғлиқ матний тафовутларни қуйидагича таснифлаш тўғри бўлади: 1) *қисқартиришлар*; 2) *ўрин алмашишлар*; 3) *такрорлар*; 4) *таҳрирлар*; 5) *нотўғри талқинлар*.

Қисқартиришлар. Девон манбаларидан ўрин олган шеърларда байтларнинг қисқартирилиши, асосан, ғазаллар матнига хос ҳолат бўлиб, улар, албатта, ғазалларнинг бадиияти ва мазмуний бутунлигига путур етказди. Манбаларда учрайдиган байтлар қисқариши икки хил таснифлаш мумкин: 1) *байтларнинг тушириб қолдирилиши*; 2) *байтларнинг қўшиб юборилиши*.

1) *Байтларнинг тушириб қолдирилиши.* “Муқаввас қошинг ҳасрати жон аро” мисраси билан бошланувчи ғазалнинг С нусхадаги матнида ўнинчи байти кўчирилмай қолган:

*Алифдек қадингни хиромон этиб,
Ватан қил келиб гулшани жон аро.*

Бу каби ноўрин қисқаришлар турли омиллар – қўлёзма кўчирилган манбанинг номукаммаллиги, котибнинг эътиборсизлиги ёки шеърнинг муаллиф томонидан кейинчалик таҳрир қилинган вариантдан котибнинг хабардор бўлмагани билан боғлиқ.

Манбалардаги ғазалларда байтларнинг қисқариши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан, қофиядош сўзлари бир хил бўлган “Табассум” радифли икки ғазал тартибга кўра С нусхада кетма-кет жойлашган (169^б-170^а). Кўчириш жараёнида қуйида берилган икки байт котиб томонидан қолдириб кетилган:

141-ғазалнинг мақтаъси:

*كامل قاشى دا قىلغىل بىر ضحك ايله تكلم
اولگان تىمىگا بىرسون تا تازه جان تىسم*

142-ғазалнинг матлаъси:

*تا قىلدى باغ ارا اول غنچه دهان تىسم
كونگوم دىك ايتى غنچه بغرىنى قان تىسم*

Ғазал структураси учун аҳамиятли бўлган ушбу икки байтнинг тушиб қолиши натижаси қўлёзмада “улама ғазал” юзага келган.

Ишда юқоридаги тасниф бўйича девон манбаларида мавжуд хатоликлар шарҳи берилди. Шунингдек, Комил асарларининг нашрларидаги нотўғри талқинлар ҳам ёритилди. Масалан, “Ўзбек адабиёти” тўрт томлигининг III томида “Қитъа” сарлавҳаси остида берилган қуйидаги шеърга диққат қилайлик:

*Ҳар неча бало етса чекиб бош букма,
Таъжил яқосига бошингни суқма,
Амроз, алам шиддатидин ҳовлиқма,
Топғунг яна, Комило шифо, ошуқма,
Ҳар кимса айласа ошуқмасни хаёл,
Яфроғни йифак қилур, чечак баргини бол⁵⁰.*

Ушбу шеър айни шу сарлавҳа остида “Ўзбек шеърляти антологияси”да ҳам чоп этилган⁵¹. Кўринадики, мазкур шеър қитъа эмас. Шоирнинг “Танланган шеърлар” тўпламида эса ушбу шеър ўз жанрини яна “ўзгартирган”, яъни “Рубоий” ва “Фард”га айланган.

Аслида мазкур шеър Комил Хоразмийнинг замонавий нашрларга киритилмаган мусаддасларидан бирининг сўнгги бандидир. Шоир девонининг А, В, С ва Е нусхаларида қуйидаги тартибда кўчирилган:

*هر نيچه بلا يتسه چيكيب باش بوقمه
تعجيل يفاسيغه باشينگنى سوقمه*

⁵⁰ Ўзбек адабиёти. Тўплам. Тўрт томлик. III том. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1959. – Б. 800.

⁵¹ Ўзбек шеърляти антологияси. Беш томлик. III том. Тузувчилар: О.Шарафуддинов, А.Қаюмов, Р.Мажидий. – Тошкент: Ўздавнашр, 1961. – Б. 278.

امراض الم شدتيدين هاولوقمه
تايعونغ ينه كاملا شقا اوقمه
هر كيمسه كه ايلاسه آشوقماسنى خيال
يوفر اغنى ايفاك قيلور چچاك برگينى بال⁵²

Етти банддан иборат ушбу мусаддас бандлари сўнгида таржеъ байт қўлланган бўлиб, ушбу байт Комилнинг ижоддаги улуғ салафи Алишер Навоий ижодидан олинган. “Маҳбубу-л-қулуб” асарининг “Подшоҳлар зикрида” деб номланган бобидаги “Танбех”лардан бирида шундай ёзади: “*Сабр била кўп боғлиғ иш очилур, ишда ошуққон кўп тойилур, кўп тойилгон кўп йиқилур. Ишда ошуқмоқ ёш ўғлон ишидур, сабр била иш қилгувчи тажрибалиғ улуғ ёшлиғ киши ишидур.*

Байт:

*Ҳар кимсаки айламас ошуқмоғни хаёл,
Яфроғни ипак қилур, чечак баргини бол*⁵³.

Кўринадики, Комил асарлари нашрларида китъанинг бир байти ёки фард сифатида берилган қўшмисра Навоийдан олинган ва шоир мусаддасларидан бирининг таржеъ байтидир.

Нашрлардаги бу каби тафовутлар шоир ҳаёти ва ижоди акс этган манбаларни қиёсий ўрганиш, кенг тадқиқ қилиш ва мукамал нашрларини амалга оширишни тақозо қилади. Бу бугунги кун адабиётшунослиги ва матншунослиги олдида турган долзарб масалалардан биридир. Зеро, Комил Хоразмий сингари забардаст адабий сиймо меросининг мукамал ҳолда адабиёт муҳибларига тақдим этилиши мумтоз адабиётимиз хазинасини бойитиши табиий.

ХУЛОСА

Тадқиқотда эришилган натижалардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. “Матн танқиди” ва “матншунослик” ўзаро уйғун истилоҳлар бўлиб, қадимий ёзма ёдгорликларни ва замонавий адабий матнларни ўрганиш билан боғлиқ филологик усуллар тизимидир. Яъни “матн танқиди” истилоҳи “матншунослик” атамаси билан тенг қўлланган ва илмнинг ушбу соҳаси моҳиятини тўлиқ акс эттиради. Матн танқиди дастлаб фақат амалий эҳтиёжлар билан чегараланган ҳамда ҳужжатлар ва адабий ёдгорликларни нашр қилиш учун зарур бўлган ёрдамчи фан сифатида талқин этилган бўлса ҳам, бугунги кунда ўз тадқиқот объекти ва таҳлил усулларига, адабий ёдгорликларни баҳолашнинг ўзига хос илмий-назарий мезонларига эга мустақил фан сифатида шаклланган ва эътироф этилган.

2. Ёзма адабий ёдгорликлар ёки бирор ижодкор лирик меросининг илмий-танқидий матнини тузишда мавжуд манбаларнинг ишончли ва

⁵² ديوان کامل. Қўлёзма. Ўз Р ФА ШИ асосий фонди. Инв.№.1949. – Б. 103^б; Инв.№.1025. – Б. 130^б; Инв. №.922/III. – Б. 210^б; Инв.№.1119/IV. – Б. 213^{а-б}.

⁵³ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. ТАТ. Ўн жилдлик. IX жилд. – Тошкент: Ғафур Фулом НМИУ, 2011. – Б. 52.

мукаммал (ёки нисбатан мукаммал) таянч ҳамда ёрдамчи нусхаларини танлаб олиш асосий омил саналади. Бу, айниқса, кўп нусхали матнларга эга бўлган асарлар тадқиқи учун диққат қилиниши лозим бўлган муҳим жиҳат. Таянч манба сифатида, биринчи ўринда, қўлёзманинг муаллиф дастхат ёки унинг бевосита иштирокида кўчирилган нусхаси, иккинчи навбатда, муаллиф яшаган ёки шунга яқин даврда китобат қилинган қўлёзма ҳамда шу тарихқа қадимий ва нуқсонсиз матн танлаб олинishi зарур. Лекин баъзан қадимий ва ишончли манба йўқолиши ва ўша манбадан кейинги даврда кўчирилган матн мукаммалроқ бўлиши ҳолатлари ҳам кузатилади. Миллий ва жаҳон матншунослиги тажрибалари шуни кўрсатадики, таянч манба танланишида энг асосий мезон қўлёзманинг нуқсонсиз ва матннинг мукаммал бўлишидир.

3. Ижодкорда адабий асар учун мақсад ва режанинг пайдо бўлишидан дастлабки қоралама ва асарнинг яратилиши жараёнигача, матннинг турли даврларда котиблар томонидан кўчирилиши, бошқача айтганда, қўлёзмалар генеалогиясидан таҳрир жараёнларигача, нусхалар ўртасидаги тафовутларни ўрганишдан қўлёзмада муаллиф ёки котиблар дунёқараши ҳамда ғоялари акс этишигача, булардан асарнинг нашр вариантларигача – адабий ёдгорлик билан боғлиқ барча жиҳатлар матн тарихини ташкил этади. Матншунослик тадқиқотлари матн тарихи бу соҳанинг энг асосий тушунчаси эканини ва ушбу илмий муаммони ўрганмай туриб, адабий матнга тўлақонли баҳо бериб бўлмаслигини кўрсатади.

4. Комил Хоразмий ижодиёти манбаларини ўрганиш ва шоир адабий меросини қайта баҳолаш шоир асарлари қўлёзмаларини ўрганишни тақозо этади. Ижодкор адабий мероси манбаларини қуйидагича тасниф этиш мумкин: 1) қўлёзма девонлар; 2) қўлёзма баёзлар; 3) тазкиралар; 4) тошбосма девонлар; 5) тошбосма баёзлар; 6) вақтли матбуот нашрлари; 7) архив ҳужжатлари. Булар орасида тазкиралар, матбуот нашрлари ва архив фондларидаги лирик асарлар, девон нусхаларида мавжуд бўлса ҳам, шеърларнинг матн тарихини тадқиқ қилишда қимматли манбалар бўлиб хизмат қилади. Комил адабий мероси шеърини девонидан ташқари XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида тузилган қўлёзма баёзлардан ҳам ўрин олган. Девонлар билан бир қаторда ушбу баёзлар ҳам шоир шеърлари ўрин олган манбаларнинг энг эътиборлиларидир.

5. Комил девони қўлёзмалари генеалогияси ҳижрий 1313 (милодий 1895-1896) йилдан ҳижрий 1321 (милодий 1903) йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Шоир девонининг ушбу манбалари орасида Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 1949 рақамли қўлёзма, биринчидан, шоир ҳаёт пайтида кўчирилгани, иккинчидан, матн мукаммаллиги жиҳатидан бошқа манбалардан алоҳида ажралиб туради. Ушбу қўлёзманинг шоир дастхати билан кўчирилган бўлиши мумкинлиги ҳам тахмин қилинади. Шунга кўра, ушбу қўлёзма Комил лирик меросининг таянч манбаси бўла олади. Манбанинг мукаммаллиги жиҳатидан кейинги ўринда мазкур институт фондида сақланаётган 1025 рақамли қўлёзма туради. Ундан ортиқ саҳифалар бўш қолдирилгани, ғазалларнинг қофия ёки радиф тугалланиши (равий)га

кўра изчил тартибланмагани истисно қилинса, ушбу кўлёзма ҳам нисбатан ишончли манбалар сирасига киради. Қолган кўлёмалар ёрдамчи манба вазифасини ўташи мумкин.

6. Комил Хоразмий девонининг бугунги нашрлар учун асос бўлган бирламчи манбалари билан бир қаторда девон кўлёзма ва тошбосмаларидан ҳеч бирига кирмаган шеърлари ҳам мавжуд. Шоирнинг бир қанча шеърлари девонда мавжуд бўлмай, биргина ёндош манбада учраши кузатилади. Шу жиҳатларига кўра Комил Хоразмий лирик меросидан ўрин олган шеърларни уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) девон манбаларидан ўрин олган шеърлар; 2) мусаввада ва баёзлардаги шеърлар; 3) иморатлар пештоқиға битилган шеърлар. Ижодкор лирик мероси мумтоз шеъриятнинг ўн икки жанрида яратилган. Шунингдек, шоир ижодида шарқ шеъриятининг камёб ва мураккаб жанрларидан бири – баҳри тавилнинг мавжудлиги унинг ижодий салоҳияти ва бадий маҳорати юксак эканидан дарак беради.

7. “Девони Комил”нинг кўлёзма ва тошбосма манбаларида ўрин олган лирик асарлар матнининг ўзаро қиёсий таҳлили уларда кўплаб матний тафовутлар мавжудлигини кўрсатади. Матнлардаги сўз, мисра, байт ва бандларнинг қисқартирилиши ва ўзгартирилиши котибларнинг саводхонлик даражаси, адабий илмлардан хабардорлик ҳолати ҳамда кўчиришга асос бўлган манбанинг мукамаллиги ёки нуқсонли экани билан боғлиқ.

8. Комил Хоразмий шарқ мумтоз шеъриятида мавжуд ва такомилга етган адабий анъаналардан унумли фойдаланди. Комил поэтик меросида шоир бадий ниятининг, лирик асарни яратишда ўз олдига қўйган мақсад ва режаларининг юзага чиқишига таъсир этган бир қатор омиллар мавжуд. Уларни мазмунан қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ: 1. Ижодкорнинг диний-маърифий қарашлари акс этган шеърлар. 2. Анъанавий ишқий мавзудаги шеърлар. 3. Саёҳат натижасида юзага келган шеърлар. 4. Ижтимоий адолатсизликдан норозилик мазмунидаги шеърлар. 5. Замондошлари образи акс этган шеърлар. Шоир лирик меросида ишқий мавзудаги шеърлар етакчилик қилади. Салмоқ жиҳатдан кейинги ўринни диний-маърифий шеърлар эгаллайди. Энг ками саёҳат таассуротлари акс этган шеърлардир. Ижодкор шеъриятда мумтоз адабий анъаналарни янгилади. Баъзи ғазалларининг бошдан-охир тақрир, талмеҳ ёки ҳарфий санъатлар асосига қурилгани ҳолатлари бунинг исботидир.

9. Шоир девонининг кўлёзма ва тошбосма нусхалари, баёзлар ва бошқа манбалардаги матнлар билан нашрларни ўзаро қиёслаш шеърлар матнида кўплаб жиддий тафовутлар мавжудлигини кўрсатади. Комил девонидаги шеърларнинг аслият ва нашр вариантлари орасидаги матний тафовутларни: 1) ўзгаришлар; 2) қисқартиришлар тарзида гуруҳлаштириш мумкин. Бирламчи манбалар ва нашрлар орасидаги матний фарқлар қуйидаги тасниф асосида тадқиқ қилинди: 1. Сўз ва бирикмалар ўзгариши; 2. Мисра, байт ва бандлар тартибининг ўзгариши. Назмий асарлардаги сўз ва сўз бирикмалари: 1) қофия тизимига таъсир қиладиган ўзгаришлар; 2) шеър вазнига таъсир қиладиган ўзгаришлар; 3) қўшма ёки ясама сўзлар имлоси билан боғлиқ ўзгаришлар; 4) сўзларнинг нотўғри табдили билан боғлиқ ўзгаришлар; 5) изофа ва

боғловчининг алмаштириб қўлланилиши; 6) ягона нусхадан фойдаланиш билан боғлиқ ўзгаришлар; 7) атоқли отлар имлоси билан боғлиқ ўзгаришлар доирасида тадқиқ қилинди. Матний тафовутлар таҳлили шоир асарларининг нуқсонсиз ва ишончли матнларини тиклаш имконини бериши жиҳатидан аҳамиятлидир. Шоир шеърларидаги матн тафовутлари тадқиқи матн тарихининг тадрижий тақомилини аниқлашда муҳим ўрин тутади.

10. Шўро даври нашрларида диний калималар, маърифий тушунчаларни англатувчи сўз, жумла, байт ва бандларнинг қисқартирилиши ёки ушбу мавзудаги шеърларнинг нашрлардан тушириб қолдирилиши нобоп анъанага айлангани маълум. Девон нашрида биргина ғазал жанридаги шеърларнинг ўзидан қирқ байтнинг қисқартирилиши шоир лирик асарларидаги ғояларнинг тўлақонли акс этишига монелик қилган. Бундан ташқари, ғазалларнинг мазмуний бутунлигига путур етказган, шоир бадиий ниятини англамай қолишига сабаб бўлган.

11. Комил Хоразмий лирик мероси акс этган манбаларнинг қиёсий ўрганилиши шоир шеърларида матн таҳририни алоҳида тадқиқ қилиш заруратини кун тартибига қўяди. Лирик асарлар матнида муаллиф томонидан амалга оширилган таҳрирлар шоир ижодий лабораториясини тадқиқ қилишда қимматли маълумотлар беради. Ижодкорнинг индивидуал услуби лирик асарлари матнидаги таҳрирларда яққол намоён бўлади.

Девон манбаларида сўз, жумла ва мисралар котибларнинг ўзига хос услуби ва маълум тамойиллар асосида таҳрир қилиб борилган. Бунда котиблар баъзан матн ичида маълум белгилардан фойдаланган бўлса, айрим ҳолларда ҳеч қандай белгисиз ҳошияда ёки матннинг ичида қўшимчалар киритишган. Шу асосда бу таҳрирларни қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) “нусха” (نسخه) изоҳи билан тузатишлар. 2) “қанотча” белгиси (∨) билан тузатишлар. 3) خ ва ۶ ҳарфлари билан тузатишлар. 4) мисралар тартибининг тузатилиши 5) белгисиз шаклда амалга оширилган тузатишлар. Қайси турда амалга оширилишидан қатъи назар, матн таҳрири шоир лирик асарларининг бадиий тақомилига, шоир ижодий ниятининг тўлақонли ифодасига хизмат қилган.

12. Девон нусхаларидан ўрин олган шеърларнинг шаклий хусусияти билан алоқадор матний тафовутларнинг аксарияти котиблар фаолияти билан боғлиқ. Хусусан, байт ва бандлардаги айрим сўз ва жумлаларнинг матн мазмунига таъсир қиладиган даражада “таҳрир” қилиниши, тушириб қолдирилиши, ноўрин такрорлар ҳамда асоссиз қисқартиришлар шулар жумласидандир. Бунга, асосан, котибларнинг эътиборсизлиги, адабий саводхонлик даражаси ёки мукамал бўлмаган манбалардан фойдаланилгани сабаб бўлган, дейиш мумкин.

Комил девонининг қўлёзма ва тошбосма манбаларидаги байт ва бандларнинг таҳрири билан боғлиқ матний тафовутлар қуйидаги тасниф асосида ўрганилди: 1) қисқартиришлар; 2) ўрин алмашишлар; 3) такрорлар; 4) таҳрирлар; 5) нотўғри талқинлар. Таҳрирнинг котиблар томонидан амалга оширилган бу каби турлари муаллиф матнига мувофиқ эмаслиги, ижодкор

бадий ниятини англашга соя солиши нуқтаи назаридан танқидий баҳоланиши зарур.

Яхлит баҳолаганда, Комил Хоразмий девони манбаларининг тадқиқи, шеърятининг матн тарихи ва таҳрири ўрганилиши, биринчидан, матншуносликнинг айрим назарий масалаларига оид қарашларни тўлдиради, иккинчидан, бирламчи манбаларга таяниб айтилган илмий фикрнинг асосли бўлишини кўрсатади, учинчидан, шоир асарларининг мавжуд нашрларини аслият билан қиёслаган ҳолда танқидий ўрганиш юзасидан аҳамиятли хулосалар чиқариш имконини беради. Қўлёзма ва тошбосма манбалар ҳамда нашр нусхалари асосида Комил Хоразмий лирик асарларининг матн тарихи ўрганилиши натижасида шу пайтга қадар илм аҳлига маълум бўлмаган 58 ғазал, 1 мураббаъ, 16 мухаммас, 8 мусаддас, 1 мусамман, 6 қасида, 7 маснавий, 16 таърих ва 12 рубоий – жами 3842 мисрадан иборат шеърлари аниқланиб, илмий истифодага олиб кирилгани; шоир асарлари қўлёзмалари ва нашр нусхалари қиёсий текширилиши натижасида матнни қисқартириш, нотўғри табдил қилиш билан боғлиқ камчиликлар аниқланиб, бирламчи манбалар асосида ғазал, мухаммас, мусаддас, қасида каби жанрлардаги шеърларининг жорий имлодаги нашрлардан тушириб қолдирилган 142 мисра матнлари аслиятга мувофиқ тарзда қайта тиклангани шоир адабий мероси ҳақидаги мавжуд тасаввурларни бойитади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НУРИДДИНОВ ШОХОБИДДИН БАБАЯРОВИЧ

**ГЕНЕАЛОГИЯ ИСТОЧНИКОВ ДИВАНА КАМИЛЯ ХОРЕЗМИ И
ПРОБЛЕМА КРИТИКИ ТЕКСТА**

10.00.10 – Текстология и литературное источниковедение

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (DSc) по филологическим наукам**

Карши – 2022

Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована под номером B2020.2.DSc/Fil235 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации размещён на трёх (узбекском, русском, английском (резюме)) языках на веб-странице (www.qarshi.uz) Каршинского государственного университета и в информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Жабборов Нурбой Абдулхакимович
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сулаймонов Исроилжон Исомиддинович
доктор филологических наук, доцент

Тухлиев Бокижон
доктор филологических наук, профессор

Ганпов Дилшод Кадамбаевич
доктор филологических наук, доцент

Ведущая организация:

Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 Каршинского государственного университета в 14⁰⁰ часов «23» сентября 2022 года (Адрес: 180103, город Карши, улица Кучабог, 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Каршинский государственный университет Главный учебный корпус (аудитория №102).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета. (зарегистрирована за № 129). (Адрес: 180103, город Карши, улица Кучабог, 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «10» сентября 2022 года (реестр протокола № 13 от «10» сентября 2022 года).



Н.Н.Шодмонов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.н., профессор

Г.Н.Тожиева
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.н. (DSc)

Т.Тураев
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.ф.н. профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (DSc) по филологическим наукам)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В области мировой текстологии и литературоведения большое значение имеет изучение поэтического наследия творческих личностей и восстановление созданных ими текстов в соответствии с оригиналом. Одной из актуальных задач является изучение древних литературных памятников, созданных на протяжении веков в различных жанрах и тематиках, применение их для повышения духовности нации и для развития общества. Сравнительно-текстологический анализ первоисточников литературного наследия конкретного автора, исследование проблемы истории текстов и их редактирования также важны с точки зрения обогащения существующих научных выводов.

Основными научными проблемами являются вопрос сравнительного анализа первоисточников литературных памятников в мировой текстологии, исследование проблемы истории и редактирования текстов художественных произведений. Особенно история текстов приобретает актуальность при создании произведения, поскольку она охватывает возникшие изменения, начиная с творческих целей, планов творческих личностей и заканчивая самым последним вариантом текста. Также важно изучить текстовое редактирование произведений творческих личностей, литературное наследие которых изучалось на основе определенных образцов. В мировой текстологии проблема редактирования текста изучена довольно глубоко, нежели в нашей стране. Научно-исследовательская работа, проводимая в этой области, указывает на необходимость решения проблемы истории и редактирования текста на основе определенных критериев.

В текстологии периода независимости была проведена значительная работа по изучению лирического наследия личностей, живших и творивших в литературной среде Хорезма в XIX и начале XX веков. Лирическое наследие многих создателей, их литературные произведения были исследованы и опубликованы с точки зрения текстологии и литературоведения. Но верен и тот факт, что в литературе этого периода есть множество тем и произведений, которые ждут своих исследователей. Через это «...прежде всего, предусматриваются благородные цели, такие как всестороннее глубокое изучение уникального наследия нашего народа, построенного творческим гением, пробуждение целостной картины жизни, научно-творческой деятельности великих ученых и мыслителей нашей страны, воспитание подрастающего поколения в духе гуманистических идей, национальной гордости и самоотверженности»¹. Одним из таких творцов, внесших достойный вклад в сокровищницу узбекской классической поэзии своим значительным литературным наследием

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий олами юксалтиришнинг мустахкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси / Халқ сўзи. – Тошкент, 2017, 4 август.

является жизнь и творческое наследие Камиля Хорезми, которые не были глубоко изучены в монографическом масштабе, объективно и полностью исследованы, из-за воздействия господствующей идеологии советского периода. Однако, существует необходимость в повторном исследовании преимуществ лирического наследия Камиля Хорезми на основе сравнительно-текстологического и литературного источниковедения, содержащихся в рукописных и литографических источниках, полиграфических публикациях и архивных документах, хранящихся в фондах нашей страны и за рубежом. Объёмные лирические, религиозно-просветительские и социальные произведения Камиля Хорезми остались незамеченными. Его работы, которые содержатся в существующих публикациях, подверглись неуместным правкам по разным причинам. Соответственно, есть большая потребность в изучении вопроса истории и редактирования текста лирических произведений поэта. И именно поэтому эти аспекты являются подтверждением актуальности темы данной диссертации.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан от 13 мая 2016 года №УП-4797 «О создании Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои», от 24 мая 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» №ПП-2995, Постановлении от 10 февраля 2022 года №ПП-126 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы хранения и исследования древних письменных источников» и реализации задач, поставленных другими нормативными правовыми актами, связанными с этой деятельностью.

Соответствие темы исследования плану научно-исследовательской работы высшего учебного заведения, в котором была выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники Республики Узбекистан I. «Социальное, правовое, экономическое, культурное, духовное и образовательное развитие информированного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². На основе научных и практических критериев текстологии и литературного источниковедения в ведущих мировых научных центрах и высших учебных

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://bulletin-history.kaznu>; https://scribble.su/school_literature; <https://dic.academic.ru>, <https://www.istanbul.edu.tr/http://www.washington.edu/>, <http://www.uva.nl/en/home/>, <http://london.ac.uk/>, <http://www.uop.edu.pk/>, www.ivran.ruhttp://elm/az/http://elm/az/, [www.navoiy-uni.uz](https://bigenc.ru/music/text/4181559); <https://bigenc.ru/music/text/4181559>; Edward ALLWORTH. Uzbek literary politics. – London-Paris, 1964. – P. 29; A.Zeki Velidi Toğan. Bugünkü Türk ili: Turkistan ve yakın tarihi. – Istanbul, 1981. – S. 501; Janos Eckmann. Harezmi, kıpçak ve çağatay türkçesi üzerine araştırmalar. – Ankara, 1996. – B. 209; Philologiae turcicae fundamenta. Wiesbaden, Tomum secundum, 1965; Гинзбург С.Л. Музыкально-историческое наследие советского Узбекистана. Сборник. «Пути развития Узбекской музыки», – М.-Л, 1946. – С. 22. ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

заведениях по проблемам сравнительно-текстологического исследования жизни автора и источников литературного наследия на основе теоретических и практических принципов литературоведения и текстологии проводятся научные исследования, в частности, в Istanbul Üniversitesi, Boğaziçi Üniversitesi (Турция), Балхском государственном университете (Афганистан), University of Washington Press (США), Институте востоковедения Академии наук России, Казанском государственном университете (Россия), Национальном университете Казахстана (Казахстан), Институте рукописей Национальной академии наук Азербайджана (Азербайджан).

В результате исследований, направленных на изучение литературного наследия Камиля Хорезми в мировой текстологии и литературном источниковедении, был получен ряд научных результатов: была обобщена биография поэта, информация о структурном строении его произведений, произведения Камиля Хорезми переведены и опубликованы в виде сборников, основанных на его публикациях в Узбекистане (Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Россия), определены новые методологические подходы относительно истории текстов и их интерпретации в литературных источниках в University of Amsterdam (Нидерландия), Институте востоковедения Российской академии наук (Россия), Национальном университете (Казахстан), Istanbul Üniversitesi (Турция), обосновано, что исследования на основе научно-критического текста, основанные на классических литературных источниках, достигают фундаментального исследовательского уровня. Очевидно, что в зарубежной научной литературе еще одним аспектом творческой деятельности Камиля Хорезми является ценная информация о его заслугах в области музыковедения. В мировой текстологии и литературоведении исследования проводятся по следующим приоритетным направлениям комплексного изучения классических литературных источников: проблема критики текста, история текста конкретного произведения и проблема редактирования текста; творческая лаборатория поэта; книжная история литературного произведения; сравнительно-текстологический анализ рукописных источников; составление научно-критического текста определённого произведения.

Степень изученности проблемы. Проблема истории и критики текста в некоторой степени изучалась в мировой и узбекской текстологии. Теоретические и практические вопросы этой научной проблемы рассматривались в исследованиях русских текстологов Д.С.Лихачева³, Б.В.Томашевского⁴, С.А.Рейсера⁵, а также узбекских ученых П.Шамсиева, Х.Сулеймана, Г.Каримова,

³ Лихачев Д.С. При участие А.А.Алексеева и А.Г.Боброва. Текстология на материале русской литературы X-XVII веков. – Санкт-Петербург, Изд-во «Алетейя», 2001. – С. 34-35.

⁴ Томашевский Б.В. Писатель и книга. Очерк текстологии. Изд. 2-е, – М., 1959. – С. 148.

⁵ Рейсер С.А. Основы текстологии. Изд. 2-е, – Ленинград, Изд-во «Просвещение», 1978. – С. 3-12.

Ш.Сироджиддинова, В.Тухлиева, Н.Жабборова, А.Эркинова, Н.Шадманова, Р.Захидова, К.Пардаева⁶.

Хотя изучение творчества Камиля Хорезми в узбекской литературной критике началось еще при его жизни, литературное наследие поэта не изучалось с точки зрения истории и критики текста. Изучение жизни и творчества поэта началось с публикации и популяризации его произведений. В частности, лирические стихи поэта публиковались в «Туркистон вилоятининг газети» (выпуски за 1891-1894 годы). Стихи поэта дважды⁷ публиковались в Хиве в 1880 и 1895 годах под названием «Девони Комил» и в Ташкенте в 1910 году под названием «Девони Мавлоно Комил маа таворихи шоҳони Хоразм»⁸ в виде литографической печати.

Серьезное изучение творчества поэта началось в 40-х годах прошлого века. В связи с этим особое место в камиловедении занимает кандидатская диссертация литературоведа М.Юнусова на тему «Творчество поэта XIX века Камиля Хорезми». По сей день созданы научные статьи⁹,

